2020 январь

МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 4 (1328) ● 2020 йил 28 январь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Хизматлар экспортидан айланма ҚҚСга тортиладими? 3-бет

Квартиралар сотилмади. Мол-мулк солиғини тўлайликми? 4-бет

Қатъий белгиланган ЖШДСни тўлашга доир 11–12-бетлар

Февраль. Солиқ тўловчининг тақвими 13–14-бетлар

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар 15–16-бетлар

## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИМИЗНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ЯРАТИШГА ҚОДИР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.**

Мурожаатномада ўтган йилда амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинди, жорий ва келгуси 5 йилга мўлжалланган истиқболли режалар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Президентимиз жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўйгани, эришилган натижаларимиз тарихга айланиб, эндиликда олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш, бундан-да улкан марраларни эгаллаш бўйича вазифалар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этди, шаҳар ва қишлоқлар ободлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бизнесга шарт-шароит кенгайди, янги тартиб-таомиллар жорий қилинди. Бу ташаббуслар туфайли тадбиркорларнинг манфаатдорлиги ортди. Натижада Ўзбекистон Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 190 та мамлакат орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олди.

Президентимиз янги парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йиллдаги фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шартлигини таъкидлади.

Ҳар биримиз ишни ана шундай ташкил қилсак, зиммамиздаги масъулиятни тўлиқ ҳис этиб, виждонан ишласаккина халқимизнинг ишончини оқлаймиз, меҳрини қозонамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришдек олий мақсадга эришиш учун барча соҳадаги ислоҳотлар илм-маърифат ва инновацияга ёндашган ҳолда амалга оширилмоқда. Мурожаатномада илм-фанни ривожлантириш, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тайёрлаш орқали мамлакатни юксалтириш стратегик мақсадимиз бўлиб қолиши таъкидланди.

Шу мақсадда Президентимиз таклифига мувофиқ, 2020 йил – мамлакатимизда **Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили,** деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу таклифи тадбир иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Президентимиз депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун халқимизга Мурожаатида мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмаслигини таъкидлаб, янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги улуғвор мақсадларни баён этди, 2020 йилда илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди.

***ЎзА материали асосида.***

✓ НОРМАТИВ ЛОЙИҲА БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

## ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИГА ТУЗАТИШ КИРИТИЛАДИ

**Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҚҲТБТ порталида эълон қилинди.**

Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси ва «Давлат божи тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тасдиқланади (лойиҳага иловаларда келтирилган):

- қўшилган қиймат солиғи бўйича;
- акциз солиғи бўйича;
- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тижоратбоп топилма бонуси бўйича;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;
- айланмадан олинадиган солиқ тўлови бўйича;
- қатъий белгиланган миқдордаги солиқ бўйича;
- давлат божи ва автотранспорт йиғими бўйича;
- товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар бўйича ва бошқалар.

2019 йил учун солиқ ҳисоботи 2019 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида, бироқ янги таҳрирдаги Солиқ кодексида назарда тутилган муддатларда тақдим этилади.

**Лойиҳа 2020 йил 2 февралга қадар муҳокамада бўлади, ўзгартирилиши ёки унга қўшимча киритилиши мумкин.**

*Лола АБДУАЗИМОВА.*

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Марказий банк, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 17.01.2020 йилда 2342-10-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритилди.**

## ИККИНЧИ НАВБАТДА НИМА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Тақдим этилган талабларни қаноатлантириш учун асосий ҳисобварақда маблағлар етарли бўлмаган тақдирда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари 2-сон картотекага кирим қилинади. Шундан кейин барча тўловлар муайян кетма-кетликда амалга оширилади (*навбатдан ташқари, биринчи, иккинчи ёки учинчи навбатда,* ***таҳр.***).

Тузатишлар билан навбатдан ташқари ва биринчи навбатдаги тўловлар амалга оширилгандан кейин иккинчи навбатда, календарь навбати тартибида бажариладиган мажбуриятларнинг рўйхатига қўшимча киритилди. Унга қуйидагилар киритилди:

- Давлат бюджети ҳисобидан берилган бюджет ссудаси, кредит линияси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар;
- Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар бўйича қарзлар ва улар бўйича тўловлар.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинган ва 17.01.2020 йилдан кучга кирди.**

***norma.uz.***

# ДОИМИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН ҚҚС: ҲИСОБГА ТУРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ

**Ўқувчиларимиз солиқ солиш билан боғлиқ бўлган саволларни тез-тез беришади. Бу саволлар айниқса янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан долзарб бўлиб бормоқда. Молия вазирлиги билан ҳамкорликдаги акция доирасида ушбу саволларга молия вазири ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ жавоб беради. Бугунги материаллар туркуми чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини ҳисобга қўйиш ва ҚҚС ҳисоб-китоби тартибига бағишланган.**




***Чет эл юридик шахси Ўзбекистонда доимий муассаса орқали фаолият юритади. 2020 йил 1 январдан бошлаб ДМ ҚҚС тўловчиси бўлди. Улар солиқни мустақил равишда тўлайдиларми ёки солиқ агентлари орқалими?***

– Солиқ кодексининг 36-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида доимий муассасани ташкил этишга олиб келувчи фаолиятни амалга оширaётган чет эл юридик шахслари ДМ сифатида солиқ органида рўйхатдан ўтиши (СТИР олиши) шарт.

Бунда ДМ ҚҚС тўловчи сифатида махсус ҳисобга қўйилади ва ҚҚС тўловчининг махсус рўйхатдан ўтиш рақамини олади.

2020 йил 1 январь ҳолатига ДМга эга бўлган чет эл юридик шахси 2020 йил 1 январдан ҚҚС тўловчи сифатида ҳисобга туриши лозим. Бунинг учун ДМ 2020 йил 1 февралга қадар жойлашган жойи бўйича солиқ органларига ҳисобга туриш тўғрисидаги аризани тақдим этиши керак.



Солиқ органларида ДМ сифатида ҳисобга турмайдиган чет эл юридик шахси томонидан реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланган товарларни (хизматларни) реализация қилиш чоғида солиқ агентлари – ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчилар ҚҚС тўлайдилар. Ўзбекистон юридик шахслари ва якка тартибдаги тадбиркорлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг доимий муассасалари солиқ агенти бўлиши мумкин *(Солиқ кодексининг 255-моддаси)*. Солиқ агентлари чет эл юридик шахсининг солиқ мажбуриятларининг бажаришлари сабабли солиқ органларида алоҳида рўйхатдан ўтишлари талаб этилмайди.

Жисмоний шахсларга электрон шаклда хизмат кўрсатадиган юридик шахслар бундан мустасно. Мазкур тоифадаги солиқ тўловчилар ҚҚС тўловчи сифатида мустақил равишда ҳисобга туришлари лозим *(Солиқ кодексининг 278-моддаси)*.

***Чет эл юридик шахси Ўзбекистонда бир нечта шартномани амалга оширади. У фаолиятни амалга ошириш жойидаги бир ДСИда бир нечта ДМни рўйхатдан ўтказган. Ҳар бир ДМни ҚҚС тўловчи сифатида алоҳида рўйхатдан ўтказиш зарурми?***

– Ўзбекистонда фаолиятни ваколатхона ёки доимий муассаса орқали амалга оширaётган чет эл юридик шахслари фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим *(Солиқ кодексининг 128-моддаси)*. Шу тариқа, ҳар бир мустақил ДМ махсус рақам олган ҳолда ҚҚС тўловчи сифатида алоҳида ҳисобга туриши лозим.

Бунда, чет эл юридик шахси битта солиқ органида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган 2 ва ундан ортиқ доимий муассаса ташкил этилишига олиб келувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, битта доимий муассаса барча шундай доимий муассасалар гуруҳи бўйича рўйхатдан ўтказилиши лозим *(Солиқ кодексининг 36-моддаси 17-қисми)*. Тегишинча, ушбу ҳолатда ҚҚС тўловчи сифатида махсус рўйхатдан бир марта ўтилади.

> ***Эътибор беринг***
> *Мазкур қоида қурилиш майдони, қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объекти ёхуд улар билан боғлиқ кузатув (назорат қилиш) фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур ҳолатда ДМлар алоҳида рўйхатдан ўтказилади, солиқларни ҳисоблайди ва ҳисобот ҳам алоҳида топширилади.*

***1-МИСОЛ. Норезидент бир туманда турли субъектларга хизматлар кўрсатади***
*Норезидент Тошкент шаҳрида Миробод туман ДСИда рўйхатдан ўтказилган «А» Ўзбекистон корхонасига хизмат кўрсатади. Ушбу хизматлар бўйича норезидент амалга оширaётган фаолият Миробод туман ДСИда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган ДМ ташкил этишга олиб келади. Шу билан бирга, норезидент Миробод туман ДСИда рўйхатдан ўтказилган бошқа «Б» Ўзбекистон корхонасига ҳам шундай хизматлар кўрсатади, норезидентнинг ушбу фаолияти ҳам ДМ ташкил этишга олиб келади. «А» корхонаси ҳам, «Б» корхонаси ҳам бир тумандаги солиқ органида рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли Солиқ кодексининг 36-моддаси 17-қисмидаги нормаларга мувофиқ бундай норезидент бир ДМни ушбу туманда битта СТИР ва битта ҚҚС тўловчи рўйхат рақамини олган ҳолда рўйхатдан ўтказиши лозим.*

***2-МИСОЛ. Норезидент бир туманда турли буюртмачилар учун бир нечта объектларни қуради***
*Норезидент Бухоро вилояти Олот туманида «А» компанияси учун қурилишни амалга оширмоқда. Шу норезидент яна Бухоро вилояти Олот туманида «Б» компанияси учун ҳам қурилиш ишларини олиб бормоқда. Солиқ кодексининг 36-моддаси 17-қисмидаги нормалар қурилиш майдони, қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объекти ёхуд улар билан боғлиқ кузатув (назорат қилиш) фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди. Бинобарин, ушбу норезидент «А» ва «Б» компаниялари бўйича ҳар бир қурилиш майдонини алоҳида-алоҳида ҳисобга қўяди, шунингдек солиқ суммасини алоҳида ҳисоблайди ва солиқ ҳисоботини топширади.*

***Чет эл юридик шахси Ўзбекистонда бир нечта шартномалар бўйича ишларни амалга оширади, шу муносабат билан бир неча ДМни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида рўйхатдан ўтказган. Мазкур ҳолатда ҳар бир ДМни ҚҚС тўловчи сифатида алоҳида рўйхатдан ўтказиш зарурми?***

– Чет эл юридик шахсининг бир нечта ДМни ташкил этишга олиб келувчи Ўзбекистонда амалга оширган фаолияти Ўзбекистоннинг турли минтақаларида амалга ошириладиган бўлса, ҳар бир ДМ бўйича солиқ органларида алоҳида ҳисобга қўйилиши лозим. Шу тариқа ҚҚС сифатида рўйхатдан ўтилади: ҳар бир ДМ мустақил равишда ҚҚС тўловчи сифатида ҳисобга туриши ва махсус рақам олиши лозим.

***МИСОЛ. Норезидент турли туманларда ҳар хил субъектларга хизматлар кўрсатади***
*Норезидент Тошкент шаҳрида Миробод туман ДСИда рўйхатдан ўтказилган «А» Ўзбекистон корхонасига, шунингдек Бухоро вилояти Олот туманида «Б» компаниясига хизматлар кўрсатади. Ушбу хизматлар бўйича норезидент амалга оширaётган фаолият иккита ДМ ташкил этилишига олиб келади: биттаси Тошкент шаҳар Миробод ДСИда, иккинчиси эса – Бухоро вилояти Олот туман ДСИда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ҳар бир ДМга СТИР ва ҚҚС тўловчининг рўйхат рақами берилади.*

***buxgalter.uz** сайти материали асосида.*

**УШБУ СОНДА:**

• **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Азму шижоатли халқимиз тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир *1-бет*
• **НОРМАТИВ ЛОЙИҲА БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ**
– Ҳисобот шаклларига тузатиш киритилади *1-бет*
• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Иккинчи навбатда нима ҳисобдан чиқарилади *1-бет*
• **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
– Доимий муассасалар учун ҚҚС: ҳисобга туриш ва ҳисоб-китоб
– 2020 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича аванс тўловлари суммаси қандай ҳисобланади
– Якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган миқдорда ЖШДСни қандай тўлайди *2, 11-12-бетлар*
• **ҚҚС ҲАҚИДА**
– Базада акциз солиғини ҳисобга олинг
– Ўзбекистондаги норезидентлар учун хизматлар
– Кўргазма хизматларини кўрсатишда ҚҚС *3-бет*
• **СОЛИҚ СОЛИШ**
– Жисмоний шахсга қарз бериш оқибатлари
– Солиқ солинмайдиган кўчмас мулк
– Реклама товарлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш
– Имтиёз қандай қўлланилади *3-4-бетлар*
• **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида.
**2019 йилнинг IV чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати** *5-10-бетлар*
• **СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР**
– Солиқ тўловчининг тақвими *13-14-бетлар*
• **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
– 2020 йилнинг январь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти *15-16-бетлар*

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади**.



# БАЗАДА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБГА ОЛИНГ

***2020 йилда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси томонидан бензин, дизель ёқилғиси ва газ якуний истеъмолчига реализация қилинганда нима ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳисобланади?***

– **2019 йилда** бензин, дизель ёқилғиси ва газ якуний истеъмолчига реализация қилинганда акциз солиғи ва ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда реализация қилиш қиймати ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланган *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 204-моддаси 20-қисми)*. 2020 йилда мазкур норма амал қилмаяпти.

Жорий йилда бензин, дизель ёқилғиси ва газ якуний истеъмолчига реализация қилинганда ҳам ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база бошқа товарларга белгиланганi каби белгиланади. Яъни **ҚҚС акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда реализация қилиш нархидан келиб чиқиб ҳисобланади** *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 248-моддаси 1-қисми)*.

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ НОРЕЗИДЕНТЛАР УЧУН ХИЗМАТЛАР

***Корхона (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) хизматларни экспорт қилади – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўш контейнерларни сақлайди. Хизматларни харид қилувчилар ЎзР норезидентлари бўлиб, улар ЎзР ҳудудида фаолият юритмайдилар ва бу ерда турмайдилар ҳам. Хизматларни харид қилувчилар хорижий ташкилотлар бўлганда, Ўзбекистон ҳудудида бўш контейнерларни сақлаш бўйича хизматларни кўрсатишга доир айланма 2020 йилда ҚҚСга тортиладими?***

– Агар кўчар мол-мулкни сақлаш бўйича хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилса, Ўзбекистон уларни реализация қилиш жойи бўлиб ҳисобланади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 3-қисми 2-банди)*. Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган хизматларни кўрсатиш бўйича айланма ҚҚС бўйича солиқ солиш объектидир *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 238-моддаси 1-қисми)*.

Бинобарин, **бундай хизматларнинг харидорлари хорижий ташкилотлар бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўш контейнерларни сақлаш бўйича хизматлар реализациясидан айланма 2020 йилда ҚҚСга тортилади. ҚҚС** ставкаси – 15% *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 258-моддаси 1-қисми)*.

Корхона ушбу айланмалар учун фойдаланиладиган харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 266-моддаси 1-қисми)*.

# КЎРГАЗМА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ҚҚС

***Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона кўргазмаларни ташкил этиш бўйича хизматларни кўрсатади. Кўргазмаларда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компаниялар қатнашади. Хорижий қатнашчилар бизнинг хизматларга экспорт шартномалари бўйича валютада ҳақ тўлайди. Кўргазма қатнашчиларини излаш учун хорижий ташкилотларнинг агентлик хизматларидан фойдаланилади. Агентлар ўз мамлакатларида Тошкентдаги кўргазмада қатнашишни истовчи компанияларни топишади. Кўргазмадан сўнг агент билан у қанча компанияни ва қайси нархларда жалб этгани тўғрисида якунлар чиқарилади. Ушбу суммадан келиб чиқиб унга воситачилик ҳақи тўланади.***

***1. Хизматларни экспорт қилганда ҚҚС тўлаш керакми?***

***2. Кўргазмага қатнашчилар жалб этилгани учун агентлар хизматидан фойдаланилганда хизматлар импортига ҚҚС тўланиши керакми? Бу ҳолда ҚҚСни ҳисобга олиш мумкинми?***

**1** Хизматларни экспорт қилиш уларни кўрсатиш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун хизматлар кўрсатишдир *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 22-моддаси)*. Бинобарин, корхонангиз хорижий компанияларга кўргазмаларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатар экан, хизматларни экспорт қилади.

**2019 йилда** корхонангиз томонидан ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компанияларга кўрсатилган **хизматларга ҚҚС солинган,** сабаби уларни реализация қилиш жойи бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳисобланган *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 202-моддаси 3-қисми 5-банди)*. ҚҚСнинг умумбелгиланган ставкаси **2019 йил 1 октябрга қадар 20%, 1 октябрдан бошлаб эса – 15%** бўлган *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 211-1-моддаси; 26.09.2019 йилдаги ПФ-5837-сон Фармоннинг 1-банди)*.

**2020 йилда** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пуллик кўргазмаларни ўтказишда ҳам уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 3-қисми 3-банди)*. **Сиз кўрсатган хизматларга 15% ставкада ҚҚС солинади** *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 258-моддаси 1-қисми)*.

**2** Хорижий агентлар ўз мамлакатларида Тошкентдаги кўргазмада қатнашишни истовчи компанияларни топишади. **2019 йилда** Ўзбекистон Республикаси бундай хизматларни реализация қилиш жойи ҳисобланмаган *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 202-моддаси)*. Шу туфайли **корхонангиз хизматлар импортига ҚҚС тўламаслиги керак эди.**

**2020 йилда** агентларингизнинг хизматларни реализация қилиш жойи бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳисобланган, чунки корхонангиз Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 1, 2-қисмлари)*. **Хорижий агентларнинг хизматларини харид қилар экан, корхонангиз ҚҚС бўйича солиқ агентига айланади ва мазкур айланмадан солиқни тўлаши шарт** *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 255-моддаси 2, 6-қисмлари)*. Солиқ базаси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан олинган даромаднинг суммаси сифатида аниқланади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 255-моддаси 1-қисми)*.



**Шартноманинг шартларига мувофиқ, хорижий агент хизматларни Ўзбекистонда тўланадиган ҚҚСни ҳисобга олмасдан тақдим этса,** у ҳолда солиқ базаси кўрсатилган хизматларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда, ҚҚСни ҳисобга олмасдан аниқланади. Бундай ҳолда корхонангиз солиқ агенти сифатида тегишли солиқ суммасини мустақил тарзда ҳисоблаб чиқариши ва бюджетга ўтказиши шарт *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 255-моддаси 7-қисми)*. **ҚҚС тўланганлигини тасдиқловчи тўлов** ҳужжати янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 37-бобига мувофиқ **тўланган солиқ суммасини ҳисобга киритиш ҳуқуқини беради.**

*Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.*

СОЛИҚ СОЛИШ

# ЖИСМОНИЙ ШАХСГА ҚАРЗ БЕРИШ ОҚИБАТЛАРИ

***Жисмоний шахс юридик шахсдан қарз олмоқчи.***

***Юридик шахс жисмоний шахсга қарз бериши мумкинми?***

***Жисмоний шахс олган қарзга солиқ солинадими?***

**– Ҳа, қарз бериши мумкин.**

Қарз – битим шаклларидан бири бўлиб, ушбу ҳолатда тарафлардан бири юридик шахс, иккинчиси эса жисмоний шахс ҳисобланади *(ФКнинг 732-743-моддалари)*. Бунда тижорат ташкилоти ўз муассиси, иштирокчиси (акциядори), раҳбари, ўз бошқарув ёки назорат органларининг аъзоси бўлган шахсга ашёни текин фойдаланишга беришга ҳақли эмаслигини ҳисобга олиш лозим *(ФКнинг 618-моддаси)*.

Қарз олувчи **жисмоний шахс учун қарз суммаси даромад ҳисобланмайди**, чунки у қайтариш шарти билан берилган, шу сабабли бу операция **солиқ оқибатларини юзага келтирмайди.**

Қарз фоизсиз берилаётганлиги сабабли **қарз берувчи юридик шахсда** фоизлар кўринишидаги даромадлар юзага келмайди, тегишинча, **фоизлардан солиқ тўлаш мажбурияти ҳам бўлмайди.**

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 299-моддасида солиқ солиш мақсадида аниқланган фоизсиз асосда қарз олишдан даромад **фақат юридик шахснинг (қарз олувчининг) даромади ҳисобланади**. Жисмоний шахсларнинг даромадлари янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 371–377-моддаларида белгиланган бўлиб, уларда бундай турдаги даромадлар мавжудлиги келтирилмаган.

*Наргиза АЛИМОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.*



**?** ***2018–2019 йиллар давомида жамиятнинг асосий фаолияти кейинчалик сотиш мақсадида турар жойларни қуриш билан боғлиқ бўлди. Биринчи объект 2018 йилнинг охирида қуриб битказилди, Қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилиш давлат далолатномаси 20.11.2018 йилда тузилган. 2019 йилда квартираларнинг асосий қисми сотилган. Ҳозирги вақтда 12 та квартира сотилмай қолган.***
***Корхонада 2019 йилда сотилмаган квартиралар бўйича мол-мулк солиғини тўлашга доир мажбуриятлар юзага келадими?***

# СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН КЎЧМАС МУЛК

– **2019 йилда сотиш учун қурилган квартираларга корхонангизда мол-мулк солиғи солинмаслиги керак эди.**

Кўчмас мулк учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган база бўлиб унинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобланади.

Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати **ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан** солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган **амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.** Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ даврида ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг 1/12 қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади *(2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 267, 268-моддалари).*

Амортизация фақатгина асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланади *(АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМС).*

Сотиш учун мўлжалланган қурилиш объектларининг таннархи 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ҳисобга олинади *(Йўриқноманинг 138-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМС-га 2-илова).* Тайёр маҳсулотга амортизация ҳисобланмайди *(АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМС).* Шу сабабли 2019 йилда тайёр маҳсулот сифатида ҳисобга олинган кўчмас мулкка мол-мулк солиғи солинмаган.

*Замира ЖЎРАЕВА,*
*«Norma» МЧЖ эксперти.*

# РЕКЛАМА ТОВАРЛАРИ БЎЙИЧА ҚҚСни ҲИСОБГА ОЛИШ

**?** ***Масъулияти чекланган жамият қурилиш товарларининг улгуржи савдоси билан шуғулланади, умумбелгиланган солиқлар ва 15% ставкада ҚҚС тўлайди. Асосий етказиб берувчидан реклама товарлари – биз реализация қиладиган товарнинг эмблемаси туширилган футболкалар, кепкалар, кружкалар, зажигалкалар ва бошқалар келиб тушди. Реклама товари импорт бўйича нархлари билан келтирилди. Божхонада тозалашда ҚҚС тўланган. Кейинчалик товарни амалда фаолият кўрсатаётган ва истиқболдаги харидорларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қурилиш бозоридаги жисмоний шахсларга бепул тарқатамиз.***
***Товар кейинчалик реклама мақсадларида бепул тарқатилган тақдирда, божхонада тўланган ҚҚСни ҳисобга олишимиз мумкинми?***

– 2019 йил учун Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тайёрлашда *(3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексига амал қилинг.

Солиқ кодексининг 218-моддасида кўрсатилган ҳисобга олиш шартларига риоя қилгансиз. Хусусан, Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-1-бандига мувофиқ, корхона улар обороти бўйича ҚҚС солинадиган товарлар рекламаси учун реклама маҳсулотидан фойдаланилгани сабабли товарлардан солиқ солинадиган оборотлар мақсадида фойдаланилади.

Реклама акцияси давомида ТМЗни ҳисобдан чиқариш рекламага қилинган харажатлар сифатида эътироф этилади *(ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.1.3-банди).* **ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари юзага келмайди.**

# ИМТИЁЗ ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

**?** ***Корхонамиз ноозиқ-овқат истеъмол товарлари – пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2019 йилнинг 1 октябрига қадар ЯСТ тўлаганмиз. 2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган. Президентнинг 21.12.2016 йилдаги ПҚ-2687-сон қарорига мувофиқ ЯСТ ва фойда солиғи бўйича имтиёзга эгамиз. Лекин 9 ой учун ушбу товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши 45%ни ташкил этди ва биз ЯСТни тўлиқ ҳажмда тўладик. Йил якунлари бўйича мазкур товарларни ишлаб чиқаришдан тушум улуши умумий тушум улушининг 60%идан ошди.***
***Мазкур ҳолатда 9 ой учун ЯСТни тўлаш ва IV чорак учун фойда солиғини тўлашдан озод этиш тарзида имтиёздан фойдалана оламизми?***



– 2020 йилнинг 1 январига қадар ноозиқ-овқат истеъмол товарлари, шу жумладан пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар солиқ ҳамда божхона имтиёзларига эга бўлишган. Улар фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, ЯСТ (микрофирмалар ва кичик корхоналар) тўлашдан озод қилинган эди.

Имтиёзни қўллаш учун **ҳисобот даври** якунлари бўйича умумий сотиш ҳажмида мазкур товарларни ишлаб чиқаришдан тушган тушумлар улуши камида 60%ни ташкил этиши керак бўлган *(21.12.2016 йилдаги ПҚ-2687-сон қарорнинг 7-банди).*

Ихтисослашганликни тасдиқлаш учун имтиёзлардан фойдаланган корхоналар **йил якунлари бўйича** солиқ ҳисоботи билан бирга Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш тўғрисида маълумотнома ҳисоб-китобни тақдим этади *(АВ томонидан 16.05.2017 йилда 2885-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 2-илованинг 5-банди).*

**Хулоса:**

● 9 ой якунлари бўйича корхона ЯСТга доир имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас эди ва уни тўлаши керак бўлган;

● йил якунлари бўйича корхона Маълумотнома ҳисоб-китобни тақдим этиши ва имтиёздан бутун 2019 йил учун фойдаланиши мумкин. Бунинг учун 9 ой учун тушум кўрсаткичлари ҳамда имтиёзни қўллаш – ЯСТдан озод этилишни кўрсатган ҳолда 2019 йилги ҳисоб-китобни тақдим этиш керак;

● Ихтисослаштириш тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-китоби асосида 2019 йил учун Фойда солиғининг ҳисоб-китобини (IV чорак учун) топшираётганда ушбу солиқ бўйича ҳам имтиёздан фойдаланса бўлади.

***Эътибор беринг!*** *Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарори билан фойда солиғи ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирлаштириб юборилди. Бунда ушбу солиқлардан бирини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунча 2 баравар пасайтирилган ставкада тўлашлари керак эди (ПҚ-3454-сон қарорга 7-илова изоҳи). Мазкур тартиб 2019 йилда ҳам сақлаб қолинган (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 4-банди).*
*ПҚ-2687-сон қарорга биноан фойда солиғи бўйича имтиёз тақдим этилган эди. 2016 йилда амалда бўлган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёз берилмаган. Бинобарин, имтиёзнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар корхона фойда солиғини 2 баравар пасайтирилган ставкада – яъни 6%да тўлаши керак. Фойда солиғи ставкалари 2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 159-1-моддасида белгиланган.*

***Ольга БУСАРОВА,** «Norma» МЧЖ эксперти.*

РЕКЛАМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ» NORMA
ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ** | | |
| 1 | Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида | 2019 йил 16 сентябрь, 775-сон | 40-сон «СБХ» |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2019 йил 17 сентябрь, 778-сон | 40-сон «СБХ» |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4297-сон қарори) | 2019 йил 18 сентябрь, 787-сон | 41-сон «СБХ» |
| 4 | Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида | 2019 йил 27 сентябрь, 819-сон | 41-сон «СБХ» |
| 5 | Донни қайта ишлаш корхоналари ва қолипли нон ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 30 сентябрь, 829-сон | 41-сон «СБХ» |
| 6 | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисида | 2019 йил 5 октябрь, 848-сон | 42-сон «СБХ» |
| 7 | Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 14 октябрь, 866-сон | 43-сон «СБХ» |
| 8 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон қарори) | 2019 йил 10 октябрь, 860-сон | 44-сон «СБХ» |
| 9 | Кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 12 декабрь, 987-сон | 52-сон «СБХ» |
| 10 | Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2019 йил 13 декабрь, 994-сон | 52-сон «СБХ» |
| 11 | Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида | 2019 йил 5 декабрь, 971-сон | 52-сон «Норма маслаҳатчи» |

**ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Ҳужжатни тасдиқлаган орган | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида | ЎзР МВ | 2019 йил 30 сентябрь, 3105-1-сон | 43-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 2 | Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида | ЎзР МВ | 2019 йил 3 октябрь, 2282-7-сон | 43-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 3 | Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида | ЎзР Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | 2019 йил 3 октябрь, 3186-сон | 44-сон «СБХ» |

**БОШҚА АХБОРОТ**

| Номи | Тайёрлаган орган | Газета сони |
|---|---|---|
| Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби ва уни тўлаш тартиби *(«Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи мисоллар ва ҳисоб-китобларда»)* | buxgalter.uz | 40-41, 44-50-сон «СБХ» |
| ҚҚС ҳисоб-китоби ва уни тўлаш тартиби тўғрисида *(«Қўшилган қиймат солиғи ҳақида нималарни билиш лозим»)* | buxgalter.uz | 42-сон «СБХ» |
| 2019 йилнинг III чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати | - | 44-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 2019 йилнинг III чораги учун хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан динамикаси | - | 44-сон «Норма маслаҳатчи» |
| Ижтимоий суғурта комиссияси баённомасининг намунаси *(«Бола туғилганда бериладиган нафақа»)* | - | 46-сон «Норма маслаҳатчи» |
| Болани парваришлаш таътили тақдим этилиши ва нафақа тўланиши тўғрисидаги буйруқ намунаси *(«Ким нафақа тўлайди»)* | - | 50-сон «Норма маслаҳатчи» |
| Инвентарлаш ўтказиш тартиби тўғрисида *(«Инвентарлаш ўтказишга қандай тайёрланиш керак»)* | buxgalter.uz | 52-сон «СБХ» |
| Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатларининг амал қилиши тугатилиши тўғрисида | МВ | 52-сон «Норма маслаҳатчи» |

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
– «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида».
• **2019 ЙИЛНИНГ IV ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПҚ-4417-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (11-қават) манзили бўйича жойлаштирилсин.

Бунда эгаллаб турилган хоналар учун ижара ҳақи ва фойдаланиш харажатлари Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) тижорат банкларидаги депозитларга маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадларининг бир қисми ҳисобига қопланиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентлик директорининг биринчи ўринбосарига шахсан бириктириладиган 1 бирлик, шунингдек, 1 бирлик навбатчи хизмат автотранспортини сақлаш учун лимит ажратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А.Хўжаев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***А.АРИПОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2020 йил 16 январь*
*28-сон.*

*ЎзР ВМнинг*
*2020 йил 16 январдаги 28-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг табақаларини бизнес билан шуғулланишга жалб этиш, бошланғич капитал манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ҳисобот беради.

3. Агентлик Вазирликнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва унинг тизимига киради.

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва унга умумий раҳбарлик қилиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Вазирликнинг қарорларига амал қилади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари,

**Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.01.2020 йилдан кучга кирди.*
***Қарорга 3-илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва **nrm.uz** сайтида танишиш мумкин.*

шу жумладан, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик унинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича ўз фаолиятини Вазирлик, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат органлари, тижорат банклари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эгадир.

8. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;

қисқартирилган номи – Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency for the development of small business and entrepreneurship under the Ministry of Economy and Industry of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Agency for the development of small business and entrepreneurship;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по развитию малого бизнеса и предпринимательства при Министерстве экономики и промышленности Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Агентство по развитию малого бизнеса и предпринимательства.

9. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (11–қават).

**2-БОБ. АГЕНТЛИКНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида, ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралиқ товарлар ва хизматлар (хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:*

манфаатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантириш масалалари бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

тадбиркорликни истиқболли ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар юзасидан таклифларни ишлаб чиқади, шунингдек, тегишли дастурларни тайёрлаш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлашни таъминлайди;

республикада кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришни баҳолаш учун миллий индикаторлар тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат органлари ва хусусий сектор, халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро ҳамроҳлик қилишни тизимли таъминлайди;

муаммоларни ҳамда ислоҳотларни рўёбга чиқариш якунларини тизимли ўрганиш асосида илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тегишли ҳужжатлар ва дастурлари бажаради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари билан иш олиб бориш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

тадбиркорликни ривожлантиришни тубдан яхшилаш, хусусий мулкчилик даражаси ва аҳамиятини ошириш, давлатнинг иқтисодиётда, шу жумладан, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитларни яратиш, хусусий секторга давлат функцияларини топшириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорликка ишончли ҳимояни таъминлаш ва кўпроқ эркинлик беришга, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш жараёни устидан мониторинг олиб боради;

*б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:*

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига ва ҳудудий дастурларга киритиш бўйича таклифларни йиғиш, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва умумлаштириш тизимини ташкил этади;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш жараёни мониторингини олиб бориш тизимини жорий этади;

ҳудуднинг амалдаги эҳтиёжларидан ва мавжуд меҳнат, табиий ва минерал-хом ашё ресурсларидан келиб чиқиб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мавжуд молиявий ресурслар доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади;

тайёрланган дастурларни Вазирликка ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига кўриб чиқиш учун киритади;

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга оширишни ташкил этади ва амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боради;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда лойиҳалари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига ва ҳудудий дастурларга киритилган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бўйича ишларни амалга оширади;

# 2019 ЙИЛНИНГ IV ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ** | | |
| 1 | «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида | 2019 йил 22 октябрь, ЎРҚ-573-сон | 44-сон «СБХ» |
| 2 | Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида | 2019 йил 22 октябрь, ЎРҚ-572-сон | 44-сон «СБХ» |
| 3 | Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида | 2019 йил 7 ноябрь, ЎРҚ-581-сон | 47-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 4 | 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида | 2019 йил 9 декабрь, ЎРҚ-589-сон | 51-сон «СБХ» |
| 5 | Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида | 2019 йил 3 декабрь, ЎРҚ-586-сон | 51-сон «Норма маслаҳатчи» |
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ** | | |
| 1 | Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 26 сентябрь, ПФ-5837-сон | 40-сон «СБХ» |
| 2 | Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 20 сентябрь, ПФ-5834-сон | 40-сон «СБХ» |
| 3 | Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 20 сентябрь, ПҚ-4464-сон | 41-сон «СБХ» |
| 4 | 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида | 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон | 42-сон «СБХ» |
| 5 | Товар-хом ашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида | 2019 йил 8 октябрь, ПҚ-4484-сон | 42-сон «СБХ» |
| 6 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида | 2019 йил 4 октябрь, ПФ-5846-сон | 43-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 7 | Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» *(Кўчирма)* | 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4473-сон | 43-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 8 | Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида | 2019 йил 23 октябрь, ПФ-5853-сон | 45-сон «СБХ» |
| 9 | Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 25 октябрь, ПҚ-4499-сон | 45-сон «СБХ» |
| 10 | Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 31 октябрь, ПҚ-4502-сон | 45-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 11 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида | 2019 йил 24 октябрь, ПФ-5856-сон | 46-сон «СБХ» |
| 12 | Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида | 2019 йил 18 ноябрь, ПФ-5877-сон | 49-сон «СБХ» |
| 13 | Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 20 ноябрь, ПҚ-4525-сон | 49-сон «СБХ» |
| 14 | Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида | 2019 йил 28 ноябрь, ПФ-5884-сон | 50-сон «СБХ» |
| 15 | Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида | 2019 йил 7 ноябрь, ПҚ-4508-сон | 50-сон «СБХ» |
| 16 | Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 5 декабрь, ПҚ-4544-сон | 50-сон «СБХ» |
| 17 | Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2019 йил 9 декабрь, ПҚ-4546-сон | 52-сон «Норма маслаҳатчи» |

қарз олувчининг қарздорлиги ҳисоб-китоби ва Жамғарма жавобгарлигининг ҳисоб-китоби;

қарз олувчининг банк олдидаги қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

банкнинг қарз олувчига йўллаган талабининг (эътирозининг) нусхаси;

тижорат банки ушбу Низомда қайд этилган қарз олувчига нисбатан чоралар кўргани ва тегишли ишларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома.

Банкнинг Жамғармага нисбатан талаби (эътирози) қайд этилган барча ҳужжатлар тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан тасдиқланиб, банк муҳрининг босма изи билан мустаҳкамланиши лозим.

85. Тақдим этилган талаб Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан берилган кафиликка ва илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш кафиллик шартномасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

86. Жамғарма қуйидаги ҳолатларда тижорат банкига кафиллик суммасини тўлаш ҳақидаги талабни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга:

талаблар ва илова қилинган ҳужжатлар кафиллик шартномаси шартларига мувофиқ эмаслиги;

у бўйича Жамғарманинг кафиллик шартномаси тузилган кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан белгиланган тартибда тегишли назорат амалга оширилмаслиги.

Эътирозлар билдирилган тақдирда, Жамғарма банкдан талаб тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида тижорат банкига мавжуд барча эътирозлар кўрсатилган хатни юборади.

87. Жамғарма эътирозлар билдирилмаганда тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиши шарт. Жамғарма тижорат банкининг талаблари асосида ва кафиллик шартномасига мувофиқ тижорат банкига кредитнинг тўланмаган қисми бўйича кафиллик шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар суммасидан ошмайдиган миқдорда тўловни амалга оширади.

88. Жамғарма мажбуриятлари Жамғарма томонидан тижорат банкига пул маблағлари ўтказилган пайтдан ижро этилган ҳисобланади.

89. Кафиллик бўйича тўловларни тўлагандан сўнг Жамғарма тижорат банки билан биргаликда харажатлар қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобига, шу жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қопланишини регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### 9-БОБ. ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИЛИШИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

90. Жамғарма замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи «Тадбиркор» ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда кафиллик, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти орқали реал вақт режимида кредит буюртмаларининг кўриб чиқилиши ва бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

### 10-БОБ. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ҲИСОБОТ БЕРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

91. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

92. Тижорат банклари ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай Жамғармага унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

93. Ижро этувчи дирекция Жамғарма маблағларидан фойдаланилгани тўғрисида ҳар чоракда – тасдиқлаш учун Кенгашга ҳисобот тақдим этади.

94. Ижро этувчи дирекция 1 февралгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига молиявий ҳисобот йили учун қарз олувчилар бўйича кафилликлар юзасидан амалда тўланган компенсациялар ва тўловлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

95. Ижро этувчи дирекция, тижорат банклари ва давлат молиявий назорати органлари қарз олувчилар томонидан кафилликлар бўйича компенсациялар берилиши ва тўловлар тўланишининг ушбу Низомда белгиланган шартлари, мақсадлари ҳамда тартибига риоя этилишини текширади.

96. Қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни олиш ва текшириш учун Жамғарма қарз олувчининг кредит тарихи ҳақида ахборотни сўраб олишга ёки кредит бюроси, тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборот тизмларига уланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳақида ахборот сўраш ҳуқуқига эга.

97. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти йилда камида бир марта Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширади.

98. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар чоракда камида бир марта берилган кафилликлар юзасидан компенсациялар ва тўловлар миқдорини аниқлашда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини жойида ўрганади.

### 11-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

99. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

100. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибида ҳал этилади.

101. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

*Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш*
*давлат жамғармаси тўғрисида низомга*
ИЛОВА

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ ШАКЛЛАРИ

1. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам шу жумлага киради), бироқ базавий ҳисоб-китоб миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик бериш.

2. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам шу жумлага киради) миқдорда кафиллик бериш, бироқ 8 миллиард сўмдан ортиқ эмас.

3. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш, шу жумладан:

а) суммаси 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоизли ставка билан қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлган, бироқ 5 фоизли пунктдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича миллий валютада;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2844-сон қарорига 2-иловадаги рўйхатда кўрсатилган чекка ва тоғли туманларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон Фармони билан тасдиқланган «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга ошириладиган суммаси 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган лойиҳалар учун – 8 фоизли пункт миқдорида қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган фоизли ставка билан миллий валютада;

в) суммаси 10 миллиард сўмга тенг миқдордан ошмайдиган хорижий валютада – тижорат банклари томонидан белгиланган фоизли ставканинг 30 фоизгача миқдорда, бироқ 3 фоизли пунктдан ортиқ эмас;

г) хорижий валютада – иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва совутгичлар қуриш учун 2017 йил 5 сентябргача халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари бўйича – белгиланган фоизли ставканинг 50 фоизи миқдорида.

***Изоҳ.*** *Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада амалга оширилади.*

ўтказилган мониторинг натижаларига кўра кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни тўғрисидаги ҳисоботларни тузади ва эълон қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар барбод бўлишига ва ўз вақтида амалга ошмаслигига олиб келган сансалорлик ва бюрократизм ҳолатларига йўл қўйиш бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан таклифлар киритади;

*в) ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш соҳасида:*

тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ва заиф жойларини бартараф этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар ва таклифларни ишлаб чиқади;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар тайёрлайди;

халқаро рейтингларда, хусусан, «Doing Business» рейтингида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш ишида иштирок этади;

*г) ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида, ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида:*

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича мунтазам сўровномалар ўтказади, кейинчалик аниқланган муаммоларни чуқур ўрганади ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Интернет тармоғида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш мониторингини олиб боради, ишбилармонлик муҳитининг жорий аҳволини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар асосида ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли таклифлар тайёрлаш учун ижтимоий тармоқларда ва Агентликнинг Интернет тармоғидаги сайтида расмий саҳифасини олиб боради;

тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун мунтазам семинарлар, мунозаралар ва бошқа тадбирларни ўтказади;

*д) бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш соҳасида:*

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича муайян мақсадларни белгилаб, давлат-хусусий шериклик ва «кластерли ёндашувни» жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

қўшилган қийматни яратиш бўйича яхлит занжирлар шакллантирилишини, замонавий технологиялар ўзлаштирилишини, экспорт кўрсаткичларини, республикада доимий иш ўринлари яратилишини таҳлил қилади, ўтказилган таҳлил якунлари бўйича асосланган таклифлар тайёрлайди;

хорижий мамлакатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан технологиялар трансферига ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқасини таъминлашга доир музокараларни белгиланган тартибда олиб боради;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этишга доир илғор хорижий тажрибани ва қўлланиладиган халқаро стандартларни ўрганади;

*е) йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралиқ товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш соҳасида:*

йирик ишлаб чиқарувчилар ҳамда кичик ва ўрта корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб боради ва чоралар кўради, шунингдек, шу асосда улар ўртасида кластерли тизимни жорий этади;

тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларида йирик корхоналарнинг портфелли инвестиция депозитларини шакллантириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралиқ товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини яратиш ва йўлга қўйишда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда методологик ва маслаҳат бериш кўмагини амалга оширади;

*ж) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш соҳасида:*

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари орқали тушган мурожаатларини кўриб чиқади;

оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот конференциялари ва брифингларни ташкил этиш йўли билан Агентлик ва Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг имкониятлари ва ишлаш механизми бўйича жамоатчилик орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боради;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган заиф қатламларига белгиланган тартибда субсидиялар ажратилишини ташкил этиш масалалари бўйича ўзаро алоқаларни амалга оширади;

*з) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг имкониятлари чекланган заиф қатламларини касблар ва мутахассисликларга, тадбиркорлик фаолияти соҳаси бўйича қонун ҳужжатлари, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича ўқитишни (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) ташкил этади;

бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари ва бошқа платформаларни, қонун ҳужжатлари, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича мунтазам ўқув курслари ва бошқа тадбирлар ўтказилишини ташкил этади ва зарур тарзда фаолият кўрсатишини таъминлайди;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш учун методик ва ўқув материаллари, бошқа ахборот-маслаҳат бериш ресурсларининг доимий маълумотлар базасини яратади ва олиб боради, бунда улардан бепул ва тўлиқ фойдаланиш имконини таъминлайди;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун семинарлар, мунозаралар ва бошқа тадбирларни ўтказади;

аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган заиф қатламларини «оилавий тадбиркорликни» ривожлантириш бўйича давлат дастурлари доирасида бўшаётган аввал ажратилган кредитларни «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»да жойлаштиришдан олинган қўшимча даромадлар ҳисобидан ушбу тадбирларни молиялаштириш билан, уларни талаб қилинадиган касблар ва мутахассисликларга ўқитишга йўналтирилган ижтимоий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги воситаларни шакллантиради;

аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган заиф қатламларини тижорат банкларида эркин маблағларни жойлаштиришдан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадлари ҳисобидан ушбу тадбирларни молиялаштириш билан, уларни талаб қилинадиган



№ 4 (1328) ▪ 2020 йил 28 январь 7

касблар ва мутахассисликларга ўқитишга йўналтирилган ижтимоий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги воситаларни шакллантиради;

*и) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида:*

кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш, шунингдек, Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари, кредитлари ва техник кўмагини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқади;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари, имтиёзли кредитлари, мақсадли портфелли инвестициялари ва бошқа маблағлари ҳисобига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ресурс базаниси кенгайтириш бўйича биргаликда чоралар кўради;

*й) тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш соҳасида:*

тадбиркорлик масалалари бўйича мурожаатларни таҳлил қилади, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналарига тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш ва тўсиқларни бартараф этишга кўмак кўрсатади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни жойига чиқиб ўрганади ва уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда, шу жумладан, Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази негизида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини ўқитувчилар ва мураббийлар сифатида жалб қилган ҳолда тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қисқа муддатли ва ўрта муддатли ўқув курслари, семинарлар ва тренингларни ташкил этади;

бизнес учун, шунингдек, тадбиркорлар молиявий, товар-хомашё ресурслари, муҳандислик ва коммуникация тармоқларидан фойдаланиши, инвестициявий ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, мулкий ва номулкий жавобгарликни суғурта қилиш учун имкониятлар, имтиёзлар масалалари бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишга йўналтирилган маълумот берувчи материалларни ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқади.

## 3-БОБ. АГЕНТЛИКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

12. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кичик бизнес ва тадбиркорлик масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, улар бўйича ўз хулосаларини бериш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ўз ваколатлари жумласига кирган масалалар бўйича маълумотлар ва материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Агентликка юкланган вазифалардан келиб чиқиб тадбиркорлик соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда контракт асосида малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Вазирлик билан келишган ҳолда Агентликнинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда Агентликнинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифодалаш;

Вазирлик билан келишган ҳолда ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Агентликнинг фаолиятини кенг ёритиш мақсадида сайтларни, шунингдек ижтимоий тармоқларда саҳифаларни яратиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шунга ўхшаш хорижий тадбирларда иштирок этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг долзарб ва истиқболли ривожлантириш муаммоларини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳларни, шу жумладан хорижий экспертлар иштирокида тузиш;

тадбиркорлик субъектларига хорижий ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ва техник ёрдамини жалб қилишда кўмаклашиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентлик:

унга юкланган вазифалар зарур тарзда ва самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсати амалда олиб борилиши;

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл харитаси» ва бошқа ҳужжатлар самарали амалга оширилиши;

Агентликнинг ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавоб беради.

## 4-БОБ. АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 1-§ . Агентлик фаолиятини ташкил этиш

14. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари бошчилик қилади.

15. Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

Агентлик директорининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижро этувчи директори ҳисобланади.

### 2-§. Агентлик раҳбарларининг функционал мажбуриятлари

16. Агентликка юкланган вазифаларга мувофиқ Агентликнинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

а) Агентлик директори:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

яккабошчилик асосида Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

директор ўринбосарларининг ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятнинг айрим йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш бўйича ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Агентликнинг иш юритиш саҳасига дахлдор таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига оид давлат сиёсатига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Агентлик ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва Агентлик ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ишларини амалга оширади, шунингдек, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади ва Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантиради;

Агентлик таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни ва унинг ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ижро этиш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

Агентлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этади, Агентликнинг чораклик иш режаларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Агентлик директорининг биринчи ўринбосари:

Агентликка юкланган вазифаларни бажаришда Агентликнинг тегишли бўлинмалари билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

раҳбариятнинг топшириғига биноан кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг ва дастурларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

га чиқиб мониторинг олиб боради ва улар аниқланганда бу тўғрида Жамғармани уч кун мобайнида хабардор қилади.

63. Жамғарма компенсация беришни тўхтатиб туриш учун асос бўладиган ҳолат аниқлангани тўғрисида тижорат банкининг билдиришномасини олгандан сўнг уч кун мобайнида компенсация беришни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу тўғрисида тижорат банкини хабардор қилади.

64. Компенсация беришни тўхтатиб туриш учун асос бўладиган сабаблар бартараф этилгач, компенсация бериш қайта тикланиши мумкин.

65. Жамғарма:

қарз олувчи кредит шартномаси бўйича кредитни тўлиқ қайтарса;

кредит шартномасининг амал қилиши тўхтатилса;

компенсация бериш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши тўхтатилса компенсация беришни тўхтатади.

Жамғарма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам компенсация беришни тўхтатиши мумкин.

66. Компенсация бериш тўхтатилган ёки компенсация бериш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатларда:

бу қарз олувчининг айби билан содир бўлса – қарз олувчи кредит бўйича фоизларни тўлиқ тўлайди;

бу банкнинг айби билан содир бўлса – банк компенсацияни ўз маблағлари ҳисобига тўлайди.

## 7-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЖАМҒАРМАНИНГ КАФИЛЛИГИ БЕРИЛИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

67. Жамғарма ушбу Низомга иловада назарда тутилган кафилликларни беради.

68. Жамғарма фақат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;

тугатилиш босқичида бўлмаган;

жорий кредит ва бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган;

уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўзғатилмаган;

ушбу Низомда белгиланган бошқа талабларга риоя қиладиган қарз олувчиларга кафиллик беради.

69. Қонун ҳужжатларида ва тижорат банкининг кредит сиёсатида назарда тутилган кредит бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қарз олувчининг тижорат банки филиалига мурожаат қилиши кафиллик ташаббуси билан чиқиш учун асос ҳисобланади.

70. Кредит бериш имконияти тўғрисида масала кўриб чиқилгандан кейин тижорат банкининг филиали қарор қабул қилинган санадан бошлаб икки кун мобайнида:

кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинса – кафиллик олишга буюртмани илова қилган ҳолда ўз хулосасини тижорат банкига тақдим этади ва бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади;

кредит ажратиш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинса – рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади.

71. Тижорат банки филиалдан ҳужжатлар олинганидан кейин бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

Жамғарма томонидан белгиланган шаклга мувофиқ буюртма тайёрлайди;

қарз олувчига кафиллик берилиши учун Жамғармага буюртма юборади.

Буюртма электрон рақамли имзо орқали имзоланиши мумкин.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

72. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси буюртма Жамғармага тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида уни кўриб чиқади ва кафиллик бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

73. Жамғарма бир иш куни мобайнида тижорат банкини қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилганда тақдирда – асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик банк филиали ва қарз олувчини бохабар қилиши учун хабардор қилади.

74. Кафиллик берилгани тўғрисида билдиришнома олинганда тижорат банки икки кун мобайнида:

кафиллик берилгани тўғрисида банк филиалини хабардор қилади;

Жамғарма ва қарз олувчи билан кафиллик берилиши тўғрисида шартномани имзолайди.

Кафиллик берилиши тўғрисидаги шартномани электрон рақамли имзо орқали имзолаш мумкин.

75. Кафиллик берилганлиги учун Жамғарма қарз олувчидан миллий валютада кафиллик суммасининг бир фоизи миқдорида бир марталик воситачилик ҳақини ундиради.

Жамғарманинг кафиллик бўйича мажбуриятлари воситачилик ҳақи тўлиқ тўланган санадан бошлаб кучга киради.

76. Кафиллик бўйича мажбуриятлар қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

кредит бўйича асосий қарзнинг кафиллик билан таъминланган қисмининг тўланиши;

Жамғарма томонидан кафиллик бўйича тўловнинг амалга оширилиши;

Жамғарманинг ёзма рухсатисиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятларда шахсларнинг алмаштирилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

77. Жамғарма кафиллик портфелининг қисман ёки тўлиқ ҳажми учун суғурта қопламасини жалб этиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қопламаси бўйича сарф-харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

78. Кредит қайтарилмаслигини суғурта қилишнинг барча шартномалари бўйича суғурта қопламасининг умумий ҳажми (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш) молиявий йилда «Кафолат» суғурта компанияси АЖ ўз капиталининг 10 фоизидан ортиқ бўлган тақдирда компаниянинг ўз капиталининг 10 фоизидан ортиқ суммадаги йўқотишлари Жамғарма маблағлари ҳисобига компенсация қилинади.

## 8-БОБ. БЕРИЛГАН КАФИЛЛИК БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН ИЖРО ЭТИЛИШИ ТАРТИБИ

79. Қарз олувчи кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда Жамғарма кафиллиги таъминланишидан озод этилади. Бунда қарз олувчи томонидан ажратилган кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этилган мол-мулк фақат Жамғарма кафиллиги тўлиқ қопланганидан сўнг гаровдан озод этилади.

80. Тижорат банки берилган кредит бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилиши бўйича мажбуриятлар ижроси юзасидан қарз олувчи фаолиятининг, шу жумладан, жойига чиқиб мониторингини олиб боради.

81. Қарз олувчи берилган кредит бўйича мажбуриятларни бажармаса ёки тегишли равишда бажармаса, бажарилмаган ёки тегишли равишда бажарилмаган санадан бошлаб ўн кун мобайнида банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга ёзма талаблар қўяди.

82. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (тегишли равишда бажармаганда) бошлаб банк 90 календарь кун мобайнида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ва кредит шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун, жумладан:

қарз олувчининг ҳисобрақамидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

ундирувни гаров предметига қаратиш ва таъминлашга талаблар қўйиш (Жамғарма кафиллиги бундан мустасно) йўли билан барча оқилона ва юзага келган вазиятда мумкин бўлган чораларни кўришга мажбур.

Муддатлар тугагач ва ушбу бандда назарда тутилган барча зарур тартиботлар бажарилгандан сўнг, агар кредит шартномасида белгиланган тартибда банк олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса, банк Жамғармага қуйидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кафиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Жамғарма кафил бўлган қарз олувчининг номи);

кафиллик шартномаси билан таъминланадиган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар суммасига бўлинган талаблар ҳажми;

қарз олувчининг шартнома бўйича бажарилмаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда Жамғарманинг кафиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик ҳажми ҳисоб-китоби;

тўлов реквизитлари кўрсатилган Жамғарма томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши керак бўлган банк ҳисобварағи;

банк талабларини қаноатлантириш муддатлари.

83. Талаб (эътироз) тижорат банкининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва банк муҳрининг босма изи билан тасдиқланиши керак.

84. Ушбу талабга қуйидагилар илова қилинади:

талабни (эътирозни) имзолайдиган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

лойиҳа ташаббускорининг белгиланган мезонларга мувофиқлигини, шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлигини аниқлайди;

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади. Ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган туркуми тақдим этилганда банк филиали бир кун муддатда тегишли ахборот (ҳужжат)ни сўраб олади;

тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, қонунчилик ва ички кредит сиёсатида белгиланган тартиботга мувофиқ лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолайди.

35. Қуйидаги ҳолларда:

кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда банк филиали Жамғарма кафиллигини олиш учун буюртмани илова қилган ҳолда ўз хулосасини тижорат банкига юборади ва бу ҳақда лойиҳа ташаббускорини хабардор қилади;

кредит ажратиш рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда – банк филиали рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда лойиҳа ташаббускорига ёзма жавоб юборади.

36. Тижорат банки филиалдан ҳужжатларни олгандан сўнг бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

Жамғарма томонидан белгиланган тартибда буюртмани тайёрлайди;

ажратиладиган кредитлар бўйича лойиҳа ташаббускорига кафиллик бериш тўғрисида Жамғармага буюртмани юборади.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг имзо қўйган мансабдор шахси жавоб беради.

37. Буюртма қабул қилингандан сўнг Жамғарма икки кун мобайнида:

буюртмани кўриб чиқади ва уни ушбу Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан текширади;

қабул қилинган қарор тўғрисида тижорат банкини хабардор қилади.

38. Кафиллик олиш учун талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда Жамғарма хабарномада рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатади.

39. Буюртма маъқулланганлиги тўғрисида хабарнома олингандан сўнг тижорат банки бир кун мобайнида банк филиали томонидан:

лойиҳа ташаббускори билан кредит шартномаси;

Жамғарма ва лойиҳа ташаббускори билан кафиллик шартномаси тузилишини таъминлайди.

Кафиллик шартномаси электрон рақамли имзо билан имзоланган бўлиши мумкин.

40. Жамғарманинг берилган кафиллик бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари кафиллик шартномаси барча томонлари томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

41. Жамғарманинг берилган кафилликлар бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

кредит бўйича асосий қарз кафиллик суммаси миқдорида тўлиқ қайтарилганда;

Жамғарма томонидан кафиллик бўйича тўловлар амалга оширилганда;

Жамғарманинг ёзма равишдаги рухсатисиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятлардаги шахслар ўзгарганда.

Жамғарманинг кафилликлар бўйича мажбуриятлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам тўхтатилиши мумкин.

## 6-БОБ. КОМПЕНСАЦИЯНИ БЕРИШ, ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАРТИБИ

42. Жамғарма ушбу Низомга иловада назарда тутилган тартибда компенсациялар беради.

43. Тижорат банклари компенсацияларни олувчи ҳисобланади.

44. Кредит ставкалари, муддатлари ва бошқа параметрлари ўзгарган тақдирда компенсацияларнинг ставкаси ва суммаси ўзгармасдан, компенсация бериш тўғрисида қарор қабул қилинган санада қайд этилган даражада қолади.

45. Жамғарма жорий кредитлар ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган қарз олувчиларнинг лойиҳалари бўйича компенсация бермайди.

46. Кредит берилиши учун зарур бўлган қонун ҳужжатлари ва тижорат банкининг кредит сиёсатида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қарз олувчининг тижорат банки филиалига мурожаат қилиши компенсация ташаббусига асос ҳисобланади.

47. Кредит беришнинг имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиққандан сўнг тижорат банкининг филиали қарор қабул қилинган санадан бошлаб икки кун мобайнида:

кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилса – компенсация бериш тўғрисидаги буюртмани илова қилган ҳолда ўз хулосасини тижорат банкига тақдим этади ва бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади;

кредит ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса – рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади.

48. Тижорат банки филиалдан ҳужжатлар олингандан сўнг бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

Жамғарма томонидан белгиланган шаклга кўра буюртмани тайёрлайди;

қарз олувчига компенсация берилиши учун Жамғармага буюртмани юборади.

Буюртма электрон рақамли имзо орқали имзоланиши мумкин.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

49. Ижро этувчи дирекция буюртма Жамғармага тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида уни кўриб чиқади ва компенсация бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

50. Жамғарма бир кун мобайнида тижорат банкини қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилганда тақдирда – асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик банк филиали ва қарз олувчини бохабар қилиши учун хабардор қилади.

51. Компенсация берилгани тўғрисида билдиришномани олган тижорат банки икки кун мобайнида:

компенсация берилгани тўғрисида банк филиалини хабардор қилади;

Жамғарма ва қарз олувчи билан компенсация берилиши тўғрисида шартномани имзолайди.

Компенсация берилиши тўғрисидаги шартнома электрон рақамли имзо орқали имзоланиши мумкин.

52. Тижорат банкининг филиали компенсация берилиши тўғрисидаги билдиришномани олгандан сўнг уч кун мобайнида қарз олувчи билан кредит шартномасини имзолайди.

53. Компенсация берилиши рад этилгани тўғрисидаги билдиришномани олган тижорат банки бир кун мобайнида бу ҳақда банк филиали ва қарз олувчини хабардор қилади.

54. Ҳар бир ой учун компенсация Жамғарма томонидан ой якунлангандан сўнг 20 кун мобайнида, тижорат банки томонидан Жамғармага ой якунлангандан сўнг 15 кун мобайнида тақдим этиладиган компенсация реестри асосида тўланади.

55. Тижорат банки компенсация берилиши тўғрисидаги шартнома амал қиладиган ҳар бир кредитнинг қолдиқлари бўйича ҳисобланган фоизлардан келиб чиққан ҳолда компенсация реестрини тузади.

56. Тижорат банклари компенсация реестрининг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги, шунингдек, Жамғармага ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беради.

57. Тижорат банклари белгиланган тартибда:

мазкур Низом доирасида ажратилган кредитларни муддати ва қарз олувчиларнинг тури бўйича алоҳида баланс ҳисобварақларда;

компенсация шартномаларига асосан ҳисобланган Жамғарма томонидан компенсация қилинадиган фоизларни алоҳида баланс ҳисобварақларда ҳисобини юритади.

58. Хорижий валютадаги кредитлар бўйича компенсацияларни тўлаш миллий валютада, компенсация тўлови амалга ошириладиган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилади.

59. Жамғарма компенсацияси банкнинг билдиришномаси асосида бир пайтнинг ўзида бир қанча кредит шартномалари бўйича асосий банкнинг 29801-«Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» транзит ҳисобварағига ўтказилади.

60. 29801–«Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» транзит ҳисобварағига тушган маблағлар банкнинг 16300–«Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси субсидиялари ҳисобига қопланадиган ҳисобланган фоизларни олиш» ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

61. Қарз олувчилар кредитни муддати ўтганидан сўнг қайтарган ҳолатларда ажратиладиган компенсация суммаси тасдиқланган қайтариш жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим.

62. Жамғарма компенсация беришни:

компенсация бериш тўғрисидаги шартнома амал қиладиган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганда;

қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарзнинг тегишли қисми кредит шартномаси бўйича тўловлар жадвалига мувофиқ мажбуриятлар юзага келадиган санадан бошлаб 90 кун мобайнида қайтарилмаганда;

қарз олувчи ва/ёки тижорат банкининг буюртмасида ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар аниқланганда тўхтатиб туради.

Тижорат банки ушбу бандда назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида қарз олувчининг фаолияти юзасидан, шу жумладан, жойи-

Агентликнинг ўзига топширилган ва мутасаддилик қилинадиган бўлинмалари устидан бевосита раҳбарликни амалга оширади;

Агентлик таркибий тузилмалари бошлиқлари ва мутахассислари лавозимларига номзодларни директор томонидан тасдиқланиши учун белгиланган тартибда киритади;

Агентликнинг ўзи мутасаддилик қилаётган бўлинмалари бошлиқлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади.

в) Агентлик директорининг ўринбосари – Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижрочи директори:

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг фаолиятини ўзига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этади ва унинг фаолияти учун шахсан жавоб беради;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг Ижроия дирекцияси активларни бошқариш, таҳлил ва экспертиза қилиш, бизнесни, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасидаги малакали мутахассислар билан белгиланган ходимлар сони доирасида тўлдирилишини ташкил этади.

### 3-§. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

17. Агентлик директори:

ушбу Низом билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Агентлик ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепциялар бўйича кутилган натижаларга эришилиши;

Агентликда ижро интизомига оғишмай риоя этилиши учун жавоб беради.

18. Агентлик директорининг ўринбосарлари:

тегишли йўналишлар бўйича топшириқлар ўз вақтида ва самарали бажарилиши;

бириктирилган йўналишлар бўйича кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини ва дастурларини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб берадилар.

### 4-§. Агентликнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тижорат банклари билан ўзаро муносабатлари

19. Агентлик давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, тижорат банкларининг фаолиятини Агентлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ва тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишда мавжуд муаммоларнинг тизимли таҳлил қилинишини ташкил этади, шу асосда кейинчалик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, тижорат банклари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида мажлислар чақиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, тижорат банкларидан ўз ваколатига тегишли маълумотлар базасини ва ахборот ресурсларини яратиш учун зарур ахборотни сўраб олади;

ўз ваколатларига доир масалалар бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Агентлик ваколатига киритилган масалалар бўйича белгиланган тартибда таклифларни тайёрлаш ва киритишда иштирок этади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва Агентлик ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилади.

### 5-БОБ. АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНЛАШ, ХОДИМЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ, МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20. Агентлик фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадларининг бир қисми, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

21. Агентлик бошқарув ходимларига нисбатан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

22. Агентлик ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг бошқарув Кенгаши қарори асосида Агентликка Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадларининг бир қисми маблағлари йўналтирилиши мумкин.

23. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, мукофотлардан, қўшимча тўловлар ва устамалардан, рағбатлантирувчи тўловлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча моддий рағбатлантиришлардан ташкил топади.

24. Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадларининг бир қисми маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан иборат.

### 6-БОБ. АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

25. Фаолият самарадорлигини баҳолаш:

директорнинг фаолиятини баҳолаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади;

директор ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш Вазирлик томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади;

таркибий бўлинмалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларининг, шунингдек, Агентлик ходимларининг фаолияти Агентлик директори томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

26. Фаолиятнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари асосида Агентлик раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазо чоралари қўлланади.

### 7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

27. Агентлик мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирликка ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот бериб туради.

28. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*ЎзР ВМнинг*
*2020 йил 16 январдаги 28-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) вазифалари ва фаолият йўналишларини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Жамғарма ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Жамғарманинг бошқарув Кенгашига (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) ҳисобот беради.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ № 4 (1328) ▪ 2020 йил 28 январь 9

палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Агентликнинг қарорларига амал қилади.

4. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобварағига, банк ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

5. Жамғарма барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Жамғарма жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (7-қават).

7. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қарз олувчи** – тадбиркорлик ташаббусини амалга оширувчи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тааллуқли шахс (кейинги ўринларда лойиҳа ташаббускори деб аталади);

**кредит** – қарз олувчиларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган кредит;

**компенсация** – тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

**кафиллик** – қарз олувчининг тижорат банки олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб бериш масъулиятини Жамғармага юклайдиган кафиллик шартномаси;

**лойиҳалар** – олдиндан белгиланган вақт мобайнида тадбиркорлик фаолиятидан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуи, қуйидагиларни назарда тутувчи мақсадлар бундан мустасно:

илгари олинган кредитларни ёки исталган бошқа қарздорликни қайтариш;

алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачилик ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо объектлари ва умумий овқатланиш объектлари қурилишини молиялаштириш;

банкдан ташқари кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш;

таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда шу мақсадлар учун ускуналарни харид қилиш;

**суғурталаш** – кредит гарови ва қайтарилмаслигини суғурталаш бўйича суғурта компанияларининг мажбурияти;

**аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари** – аҳолининг кам таъминланган қатламларидан бўлган ушбу Низомнинг 29-бандида белгиланган тартибда аниқланадиган шахслар тоифаси.

## 2-БОБ. ЖАМҒАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

8. Ушбу Низомга иловада кўрсатилган шаклларда молиявий ёрдам кўрсатиш Жамғарманинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу Низомга иловада назарда тутилган талаблар олдин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган кафиллик ва компенсацияларнинг Жамғарма томонидан тақдим этилиши шартларига татбиқ этилмайди.

9. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишига кўмаклашиш;

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш имконини берадиган давлат, тармоқ дастурлари ва ҳудудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда республикада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилган комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этиш.

10. Жамғармадан молиявий ёрдам олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш бўйича электрон ҳужжатлар айланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича агентлик фаолиятини ташкил этиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПҚ-4417-сон қарорида маъқулланган электрон ҳужжатлар айланиши схемаларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Битта шахсга бир пайтнинг ўзида компенсация ва кафиллик берилмайди. Жамғармадан молиявий ёрдам олган шахс Жамғарманинг буюртмасида қарз олувчи сифатида кўрсатилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бўйича аниқланади.

12. Олдин Жамғарманинг молиявий ёрдамини олган шахс қуйидаги ҳолатларда Жамғармага такроран мурожаат қилишга ҳақли бўлади:

а) илгари компенсация олган бўлса:

илгари компенсация тақдим этиш бўйича шартнома амал қилган кредит бўйича қарздорлик тўлиқ қайтарилганда;

компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда, ҳақиқий эмас деб топилганда ёки амал қилиши тўхтатилганда;

б) илгари кафиллик олган бўлса:

қарздорликни кафиллик билан таъминланган қисми бўйича қайтариш;

кафиллик шартномаси бекор қилинганда, ҳақиқий эмас деб ҳисобланганда ёки амал қилиши тўхтатилганда.

## 3-БОБ. ЖАМҒАРМАНИ БОШҚАРИШ

13. Таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган Кенгаш Жамғармани бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

14. Кенгаш:

Жамғарма молиявий ёрдам кўрсатиши учун ишлаб чиқаришнинг устувор соҳалари ва кичик тадбиркорлик йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳар йилги прогнозларни тасдиқлайди;

Жамғарма вақтинчалик бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий активларига жойлаштириш бўйича чекланган параметрларни белгилайди;

Жамғарманинг фаолияти, шу жумладан маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишга доир қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма раҳбарининг Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакилларининг амалга оширилаётган операциялар самарадорлиги ва тақдим этилган ресурслар, Жамғарма кафиллиги ҳамда компенсациялари натижалари ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам эшитади;

Жамғарма томонидан ушбу Низомда кўрсатилмаган молиявий ёрдамнинг бошқа турларини кўрсатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Жамғармани йиллик аудитдан ўтказиш учун, шу жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг устав капиталини ошириш тўғрисида таклифлар киритади.

15. Тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

16. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси:

Жамғарма жорий фаолиятини оператив бошқаради;

тижорат банкларидан тушган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ўз ваколатлари доирасида Жамғарманинг кафиллиги ва компенсацияларини тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ҳар йилги прогнозларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун Кенгашга киритади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Кенгашга киритади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун зарур қўшимча маблағларни жалб этиш бўйича амалий чоралар кўради;

Жамғарма даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоб юритилишини ва ҳисобот берилишини таъминлайди ҳамда тасдиқлаш учун Кенгашга тақдим этади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб боради;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини тижорат банкла-

рининг депозитларига ва бошқа молиявий активларга жойлаштириш юзасидан Кенгашга таклифлар киритади.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган тартибда лавозимига тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Ижрочи директор Ижро этувчи дирекциянинг раҳбари ҳисобланади.

Ижрочи директор бир пайтнинг ўзида Агентлик директорининг ўринбосари ҳисобланади.

Ижрочи директор Агентлик директори билан келишган ҳолда малакали, шу жумладан, хорижлик мутахассисларни уларнинг хизмат ҳақини Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига тўлаган ҳолда жалб қилишга ҳақли.

Ижрочи директор:

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Ижро этувчи дирекция фаолиятини ташкил этади ва унинг учун шахсан жавоб беради;

Ижро этувчи дирекцияни ходимларнинг белгиланган сони доирасида активларни бошқариш, бизнесни, шу жумладан, тадбиркорликнинг турли йўналишларига оид инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни ташкил этади;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Жамғарма номидан меҳнат, хўжалик, кредит шартномаларини ва бошқа шартномаларни, шу жумладан, кафиллик ва компенсациялар тақдим этиш ҳамда вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларида депозитга жойлаштириш тўғрисидаги шартномаларни имзолайди;

бажарилган ишлар ҳамда келгуси чорак учун иш режалари тўғрисида ҳар чоракда Агентлик ва Кенгаш олдида ҳисоб беради.

Жамғарма Ижрочи директори ўринбосарини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ижрочи директорнинг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

Жамғарма таркибий тузилмаларининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Агентлик билан келишган ҳолда Ижрочи директор томонидан амалга оширилади.

18. Ижро этувчи дирекциянинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Жамғарма маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлик жамғарма Ижро этувчи дирекциясига юкланади.

19. Ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Жамғарма бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши бўйича низом ишлаб чиқади ва у тўғрисидаги низом Кенгаш томонидан тасдиқланади.

20. Ижро этувчи дирекциянинг ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг марказий аппарати ходимларига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари жорий этилади.

21. Жамғарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча моддий рағбатлантириш маблағларидан иборат бўлади.

22. Хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланиш учун Жамғармага 1 дона шахсан бириктирилган ҳамда 1 дона навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилади.

## 4-БОБ. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

23. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киради ва унинг ҳисоби белгиланган тартибда Давлат бюджетининг ғазна ижроси орқали амалга оширилади.

24. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган ташкилотларнинг бадаллари ҳисобига шакллантириладиган бошланғич бадал;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар йилги соф фойдасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган бир қисми;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг, шу жумладан, вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига депозитларга жойлаштириш, кафилликлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

25. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган ҳисобварақларида жамланади.

26. Хорижий валютадаги маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган валюта ҳисобварақларига ўтказилади.

27. Жамғарма маблағларидан:

қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тижорат банкларига тўлаш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

кредит қайтарилмаслигини суғурталашнинг барча шартномалари, жумладан, молиявий йил давомида «Кафолат суғурта компанияси» АЖни ўз капиталининг 10 фоизи миқдорида гаров таъминоти, кафиллик ва кафолат билан (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) қопланмаган суғурта қопламаси умумий ҳажми ошиб кетганида «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг йўқотишларини қоплаб бериш;

Жамғарма фаолиятини моддий-техник таъминлаш, асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш, Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ операцион харажатларни, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашга тенглаштирилган тўловларни ҳамда рағбатлантирувчи тусдаги тўловларни тўлаш харажатларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ушбу бандда қайд этилган мақсадларни молиялаштириш учун ажратилган Жамғарма маблағларидан қатъий белгиланган йўналишларда фойдаланилади.

28. Жамғарма кафиллиги ва компенсациялари фақат янги ажратиладиган кредитлар учун берилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида олдин ажратилган кредитлар бўйича компенсациялар берилиши бундан мустасно.

Олдин ажратилган кредитлар бўйича компенсациялар бериш тўғрисида қарз олувчиларнинг мурожаатлари тижорат банклари томонидан кейинчалик Жамғармага юбориш учун қабул қилинади.

## 5-БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИ АЖРАТИШДА ЖАМҒАРМА КАФИЛЛИГИ БЕРИЛИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБОТИ

29. Лойиҳа ташаббускорларининг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Агентлик ва Жамғарма томонидан белгиланган мезонларга мослиги, шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлиги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини бериш шарти ҳисобланади.

30. Тижорат банклари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредитлар ажратишда Жамғарма кафиллигини кредит суммасининг 50 фоизигача (шу жумладан 50 фоизи), аммо базавий ҳисоб қийматининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда қабул қилади.

31. Лойиҳа ташаббускори кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда Жамғарма кафиллиги таъминланишидан озод этилади. Бунда лойиҳа ташаббускори томонидан ажратилган кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этилган мулк фақат Жамғарма кафиллиги тўлиқ қопланганидан сўнг гаровдан озод этилади.

32. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини бериш хизматлари бепул ҳисобланади.

33. Лойиҳа ташаббускори лойиҳани молиялаштиришга кредит олиш учун тижорат банкининг филиалига ариза билан мурожаат қилади, унда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Жамғарма кафиллигини олиш истагини билдиради:

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари тушиш прогнози (амалга ошириладиган лойиҳа бўйича пул оқими) кўрсатилган бизнес-режа;

кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этиладиган гаров тўғрисидаги маълумот.

34. Тижорат банкининг филиали ариза ва ҳужжатларнинг тўлиқ туркумини олгандан сўнг икки кун ичида:

**Жисмоний шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари:**

| *Якка тартибдаги тадбиркор:* | *Солиқ тўланади:* |
|---|---|
| 1) бир нечта фаолият тури билан шуғулланган тақдирда | ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида |
| 2) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда | иккита ставкадан энг юқориси бўйича:<br>– рўйхатдан ўтказилган жойда;<br>– фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда |
| 3) I ёки II гуруҳ ногирони бўлганда | фаолият тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, белгиланган ставканинг 50%ини, бироқ бир ойда БҲМнинг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда |
| 4) ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товарлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда («Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлганда) | ушбу фаолият тури бўйича солиқ тўланмайди |
| 5) мол-мулкни ижарага берганда | 12%лик ставка бўйича ЖШДС* |
| 6) болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатганда | ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун |

**Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини ҳисобга олган ҳолда.*

## Тўлаш муддатлари

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган жойи бўйича тўланади. Солиқ тўлаш муддати – ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 15 санасидан кечиктирмай *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 1-қисми).*

Агар эндигина ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган бўлсангиз, қатъий белгиланган миқдорда солиқни давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан тўлайсиз *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 2-қисми).*

*Тадбиркорлик фаолиятини муайян муддатга тўхтатган бўлсангиз, ўз фаолиятингизни тўхтатгунингизга қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга бу ҳақда ариза беринг ва бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани топширинг. Ходимларни ёллаган бўлсангиз, ҳар бир ёлланган ходимга берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига топширинг.*

## Бошқа даромадлар бўйича ЖШДС тўлаш

Якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқ тўланадиган фаолиятдан олинган даромадлари қаторида жисмоний шахсларнинг бошқа турдаги даромадлари бўйича алоҳида ҳисоб юритади. Бу турдаги даромадлар бўйича ЖШДС белгиланган ставкаларда, жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида тўланади *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 4-қисми):*

| *Даромад тури* | *Солиқ ставкаси* |
|---|---|
| Солиқ агентида солиқ солинмайдиган мулкий даромадлар | 12%** |
| Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар* | |
| Солиқ агентида солиқ солинмаган моддий наф тарзидаги даромадлар | |
| Республикадан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар | |
| Солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар | |
| Дивидендлар ва фоизлар | 5% |

**Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни чегирган ҳолда, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30%идан кўп бўлмаслиги керак.*
***Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ солиқ имтиёзлари ва уларнинг қўлланилиш тартибини ҳисобга олган ҳолда.*

## Ҳисоб ва ҳисобот

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўловчи ЯТТ даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини қуйидаги тасдиқланган шакллардаги даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларида юритиши лозим *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 8, 10-қисмлари):*

1) якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) даромадларини ва харажатларини ҳисобга олиш китоби;

2) товар чеклари китоби *(11-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркор солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органлари томонидан унинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 11-қисми).*

*Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларини охирги ёзув киритилган пайтдан эътиборан 5 йил мобайнида сақланг. Уларга рақамлар қўйилган, ип ўтказиб боғланган ва тегишли солиқ органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (Солиқ кодексининг 359-моддаси 6-қисми).*

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича тақдим этади. Ҳисоботни тақдим этиш муддати – ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай *(Солиқ кодексининг 392-моддаси 12-қисми).*

***Шохиста ЯКУБОВА**, «Norma» МЧЖ эксперти.*

# 2020 ЙИЛ УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА АВАНС ТЎЛОВЛАРИ СУММАСИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

**Солиқ даври – календарь йил мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича аванс тўловларини тўлайдилар. Мазкур норма Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширмайдиган норезидент юридик шахсларга татбиқ этилмайди** *(Солиқ кодексининг 417-моддаси 4-қисми)*.

Аванс тўловлари қуйидагича тўланади:

● айланмадан солиқ тўловчилар томонидан – йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай;

● айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай *(Солиқ кодексининг 417-моддаси 6-қисми)*.

*Солиқ даврида солиқ бўйича аванс тўловлари суммаси ҳисоб-китоб бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10%дан ортиқ камайтирилган тақдирда, солиқ органи аванс тўловларини солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади (Солиқ кодексининг 417-моддаси 9-қисми).*

## Маълумотнома қачон тақдим этилади

Солиқ тўловчилар жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ органларига қуйидаги муддатларда тақдим этадилар *(Солиқ кодексининг 417-моддаси 5-қисми)*:

● янги ташкил қилинганлар – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай;

● солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган солиқ тўловчилар – солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай;

● қолган барча солиқ тўловчилар – жорий солиқ даврининг 10 январигача.

*Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун аванс тўловларига солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади (Солиқ кодексининг 417-моддаси 7-қисми).*

## Қандай шакл бўйича

2020 йил учун мўлжалланаётган мол-мулк солиғи суммаси тўғрисидаги маълумотнома 2019 йилда амал қилган шакл бўйича тақдим этилади *(МВ ва ДСҚнинг 30.12.2019 йилдаги 06/04-01-32/3953 ва 12-37999-сон ахборот хати; 7-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*.

Солиқ ҳисоботини қабул қилиш тизимида 2020 йил учун маълумотномаларнинг қуйидаги иккита тавсия этилаётган шакли жойлаштирилган:

1) айланмадан солиқ тўловчилар;

2) айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар учун.

Шаклларда қуйидагича изоҳ берилган: *«Кўчмас мулк жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига Маълумотнома тақдим этишда Маълумотнома фақат кўчмас мулк объектлари қисмида тўлдирилади. Бунда солиқ ҳисобида турган жой бўйича Маълумотнома тақдим этилганда ушбу кўчмас мулк ҳисобга олинмайди»*. Яъни, сизда солиқ ҳисобида турган жой бўйича жойлашмаган кўчмас мулк объектлари бўлса, улар жойлашган жойдаги солиқ органига тақдим этиладиган Маълумотномада ушбу объектларни акс эттиринг.

## Маълумотномани тўлдириш учун маълумотлар қандай тайёрланади

Аванс тўловлари мўлжалланаётган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Маълумотномани тўлдириш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланиши лозим:

**1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг мўлжалланаётган солиқ солинадиган ўртача йиллик қолдиқ қиймати.**

*Экспертларнинг фикрича, қурилиш ташкилотлари, буюртмачилар ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун мўлжалланган нотурар жой бинолари ва иншоотларига солиқ солиниши ёки солинмаслиги масаласи низоли ҳисобланади.*

*Бир томондан, улар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказадиган органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Бошқа томондан, улар бўйича ўртача йиллик қолдиқ қийматни аниқлаб бўлмайди, сабаби улар асосий воситалар ҳисобланмайди. Қолдиқ қиймат – бу фақат асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби атамаси.*

Мол-мулк ҳисоб-китобига қуйидагиларни киритманг:

● солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган *(Солиқ кодексининг 411-моддаси 3-қисми)*;

● у бўйича Солиқ кодекси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра имтиёзлар мавжуд бўлса.

*1-ҚАДАМ.*

Бинолар ва иншоотларнинг қолдиқ қийматини қуйидаги формула бўйича аниқланг:

***Қолдиқ қиймат = Дастлабки (тикланиш) қиймат –***
***Ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллар бўйича ҳисобланган амортизация***

Қолдиқ қиймат 2020 йилнинг ҳар бир ойи охирги санасидаги ҳолатга кўра, яъни 31 январь, 29 февраль, 31 март ва шу тариқа 31 декабрдаги ҳолатга кўра аниқланиши лозим.

Қолдиқ қийматни аниқлаш учун сизга қуйидагилар керак бўлади:

● 2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 0120-счётда ҳисобга олинган бино ва иншоотларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати, бунда мажбурий тартибдаги қайта баҳолаш ҳисобга олинади *(АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом);*

● ҳар бир ой охирига жамланган амортизация суммаси. Бунинг учун 2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 0220-счётда ҳисобга олинган бино ва иншоотлар бўйича жамланган эскиришни қайта баҳоланг, унга 2020 йилнинг тегишли ойлари учун ҳисобланган эскиришни қўшинг. *Масалан, 2020 йил февраль охирига эскиришни аниқлаш учун 2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра қайта баҳоланган эскиришга 2020 йил январь ва февраль учун эскиришни қўшиш керак.*

2020 йилнинг ойлари учун амортизацияни асосий воситаларнинг қайта баҳоланган дастлабки (тикланиш) қийматидан келиб чиққан ҳолда, яъни асосий воситаларнинг ҳар йилги мажбурий қайта баҳоланиши ўтказилгандан кейин ҳисоблаш лозим.

*2-ҚАДАМ.*

Ўртача йиллик қолдиқ қийматни қуйидаги формула бўйича аниқланг:

***Ўртача йиллик қолдиқ қиймат = 1/12 x (31 январдаги ҳолатга кўра қолдиқ қиймат +***
***29 февралдаги ҳолатга кўра қолдиқ қиймат + … + 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра қолдиқ қиймат)***

> ***Янги таҳрирдаги Солиқ кодексидаги янгилик:*** *тўлиқ амортизацияланадиган кўчмас мулк бўйича 3 йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳолаш (бозор) қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади (Солиқ кодексининг 412-моддаси 1-қисми). Балансингизда тўлиқ амортизацияланадиган кўчмас мулк мавжуд бўлса, ҳар бир объектнинг бозор қиймати қисқа муддатларда аниқланиши лозим.*

**2) тугалланмаган қурилишнинг мўлжалланаётган ўртача йиллик қиймати.**

Қурилиши тугалланмаган объектларга қуйида белгиланган муддатларда қурилиши якунланмаган объектлар киради:

● лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда;

● норматив муддат белгиланмаган бўлса – объект қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида *(Солиқ кодексининг 411-моддаси 2-қисми).*

*1-ҚАДАМ.*

Сиз учун ҳар йилги қайта баҳолаш мажбурий бўлса, 2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 0800-счётда ҳисобга олинган қурилиши тугалланмаган объектни мажбурий қайта баҳолашдан ўтказинг.

*2-ҚАДАМ.*

Объектлар тугалланмаган қурилиш таркибида бўлган муддатларни аниқланг. Ушбу маълумотни лойиҳа-смета ҳужжатларидан, шунингдек ташкилотингиздаги қурилиш учун масъул бўлган мутахассислардан олишингиз мумкин.

Қурилиши тугалланмаган объект 2020 йил мобайнида асосий воситалар таркибига ўтказилса, аванс тўловлари тегишли даврлар бўйича ҳисобланиши мумкин. Яъни қайсидир ойларда ушбу объект қурилиши тугалланмаган объект, кейинчалик эса – асосий восита (бинолар ёки иншоотлар) сифатида ҳисобга олинади.

*3-ҚАДАМ.*

Ўртача йиллик қийматни қуйидаги формула бўйича аниқланг:

***Ўртача йиллик қиймат = 1/12 x (31 январдаги ҳолатга кўра қиймат +***
***29 февралдаги ҳолатга кўра қиймат + … + 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра қиймат)***

**3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати.**

Ушбу кўрсаткич бино ва иншоотларга ўхшаш тартибда аниқланади, бироқ бунда тегишли АВ объектлари бўйича дастлабки (тикланиш) қиймати ва амортизация кўрсаткичларидан фойдаланилади *(МВ ва ДСҚнинг 10.01.2020 йилдаги 06/04-01-32/59 ва 17/3-00726-сон ахборот хати).*

**4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектларининг мўлжалланаётган ўртача йиллик қиймати, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтгач.**

Бинобарин, Солиқ кодексида *«турар жой кўчмас мулк объектларининг қиймати»* деганда айнан нима – тайёр маҳсулотлар ёки товарларнинг счётларида ҳисобга олинган таннарх тушуниладими ёхуд жорий (бозор) қийматими, белгиланмаган.

Ноаниқлик туфайли кейинчалик солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида низолар келиб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, бухгалтернинг иши давомида турар жой кўчмас мулкининг сотилиши муддати аниқ бўлмаса, унинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш бўйича мураккабликлар юзага келиши мумкин.

Бухгалтер объектларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- ҳар бир ой охирига реализация қилинмаган объектлар қийматини прогнозлаш;
- ҳар бир ой охирига реализация қилинмаган объектлар қийматини қўшиш;
- ҳосил бўлган сумманинг 1/12 қисмини аниқлаш.

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаган ҳолда тегишли солиқ ставкаларидан фойдаланиб, аванс тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тўлдиринг *(Солиқ кодексининг 415-моддаси).*

**!** *Ўзбекистон норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкларнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади (Солиқ кодексининг 412-моддаси 2-қисми).*

**Олег ЦОЙ,** *«Norma» МЧЖ эксперти.*

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА ЖШДСни ҚАНДАЙ ТЎЛАЙДИ

**Жорий йилнинг 1 январидан календарь йилда товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДС тўлайдилар.**

Улар солиқни **қандай тўлашни танлашга ҳақли бўлади:**

- қатъий белгиланган миқдорда;
- жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида *(Солиқ кодексининг 385-моддаси 2-қисми).*

## Солиқ органини хабардор қилиш

Танланган солиқ тўлаш тартибига ўтиш учун қуйидагиларни амалга оширасиз:

- унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида кўрсатиш;
- доимий яшаш жойи бўйича солиқ органларига жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида билдириш хатини тақдим этиш *(Солиқ кодексининг 385-моддаси 4-қисми).*

**!** *Солиқ органини белгиланган муддатда хабардор қилмаган бўлсангиз, сиз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида ЖШДС тўловчи ҳисобланасиз.*

### Солиқ ставкаси

Қатъий белгиланган миқдорда ЖШДСни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш учун якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)нинг фаолият тури ва уни амалга оширадиган жойига қараб белгиланган ставка қўлланилади.

2020 йилги қатъий белгиланган солиқ миқдорлари *(9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 13-илова):*

| *Т/р* | *Фаолият тури* | *Қатъий белгиланган бир ойлик сумма (сўмда)* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Тошкент шаҳри* | *Нукус шаҳар ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар* | *Бошқа шаҳарлар* | *Бошқа аҳоли пунктлари* |
| 1 | Чакана савдо: | | | | |
| | озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан | 750 000 | 600 000 | 300 000 | 200 000 |
| | деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| | газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 2 | Маиший хизматлар | 250 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 3 | Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотлари, қуртни тайёрлаш ва сотиш ҳамда миллий нон, патир, попкорн, фрезерда музқаймоқ, салқин ичимликлар, айрон, гўжа, салатлар, тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойлари ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда сотиш | 225 000 | 150 000 | 75 000 | 50 000 |
| 4 | Болалар ўйин автоматлари | 225 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 5 | Бошқа фаолият турлари | 225 000 | 150 000 | 100 000 | 50 000 |
| 6 | Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари: | | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 150 000 | | | |
| | 3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 225 000 | | | |

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 2020 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ

| Д | С | Ч | П | Ш | Ж | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | |



## 5 ФЕВРАЛЬ

**2020 йилнинг январь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)*

**банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)*

## 9 ФЕВРАЛЬ[7]

**2020 йил февраль ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича аванс тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни[1]**

*(Солиқ кодекси, 432-модда, 1-қисм)*

## 10 ФЕВРАЛЬ

**2020 йилнинг январь ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)*

**2020 йил январь ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)*

**2020 йил февраль ойи учун айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)*

## 14 ФЕВРАЛЬ

**2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 417-модда, 2 ва 8-қисмлар)*

## 15 ФЕВРАЛЬ

**2019 йил учун йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни[3]**

*(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 4-банди)*

**2019 йил декабрь ойи учун ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлов тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар; 942-сон Низомнинг 4-банди)*

**2020 йил январь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар)*

**2020 йил январь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 392-модда, 1-қисм)*

**2019 йил учун мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар бундан мустасно[3]**

*(Солиқ кодекси, 417-модда, 2 ва 8-қисмлар; 942-сон Низомнинг 4-банди)*

## 15 ФЕВРАЛЬ[7]

**2019 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни[3,4]**

*(Солиқ кодекси, 447-модда, 3-қисм; 448-модда, 5-қисм; 942-сон Низомнинг 4-банди)*

**2019 йилнинг IV чораги учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар; 942-сон Низомнинг 4-банди)*

**2019 йилнинг IV чораги учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва 2019 йилнинг декабрь ойи учун, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан эса 2019 йилнинг IV чораги учун ягона солиқ тўловини тўлашнинг сўнгги куни[3]**

*(Солиқ кодекси, 470-модда, 3 ва 4-қисмлар)*

## 20 ФЕВРАЛЬ

**2020 йил январь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)*

**2020 йил январь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинадиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендларни ва фоизларни тўлаш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади**

*(Солиқ кодекси, 345-модда, 5 ва 6-қисмлар)*

**2020 йил январь ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинадиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади**

*(Солиқ кодекси, 355-модда, 1 ва 2-қисмлар)*

**2020 йил февраль ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари бўлмаган юридик шахслар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни[5]**

*(Солиқ кодекси, 448-модда, 3-қисм)*

**2020 йил январь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

*(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)*

14-бетда

Солиқ тўловчининг тақвими – «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган **шартнома асосидагина** йўл қўйилади.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ» NORMA

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

13-бетда

## 23 ФЕВРАЛЬ[7]

**жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнак тўловларини тўлашнинг сўнгги куни[6]**

*(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 8 ва 12-қисмлар)*

## 25 ФЕВРАЛЬ

**2020 йилнинг январь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни**

*(АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди)*

*[1] Айланмадан солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнак тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида, ҳар чорак биринчи ойининг 10-кунигача тўланади.*

*[2] Айланмадан солиқ тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.*

*[3] Қуйидагилар:*
*йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарадиган бошқа корхоналар;*
*йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай тақдим этадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;*
*молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартига қадар тақдим этадиган юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари бундан мустасно.*

*[4] Қуйидагилар:*
*солиқ давридан кейинги йилнинг 20 январигача ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар;*
*солиқни йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача тўлайдиган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.*

*[5] Солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловлари ҳар чорак учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида тўланади.*

*[6] Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган солиқ тўловчилар жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошганда ҳар ойлик бўнак тўловларини бундай ошиб кетиш содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди. Жами йиллик даромаднинг миқдоридан қатъи назар, фақат солиқ даври якунлари юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этувчи солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини тўламайди.*

*[7] Муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

**?** ***2018 йилда ташкилот ЯСТ, 2019 йилда умумбелгиланган солиқларни тўлаган. Монтаж ишларини бажаради. Хизматлар кўрсатиш муддати икки йилдан ошади, ишлар 2018 йилда бошланиб, 2019 йилда тугалланган. 2018 йилда ишларнинг бир қисмини бажариш учун пудрат ташкилоти жалб этилган. Хатога йўл қўйилиб, унинг хизматлари лойиҳа бўйича ишлар таннархига (2010-счётга) эмас, балки давр харажатларига ҳисобдан чиқарилган. Ушбу хато 2019 йилда аниқланган. Бажарилган ишлар 2019 йилда буюртмачига реализация қилинган. Корхонанинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ муҳим хатога йўл қўйилган ва бу жорий йилдаги солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган бўлса, фойда солиғи суммаси 50 млн сўмга камаяди.***

***1. Ўтган даврдаги муҳим хато аниқланган бўлса, 87-счёт сторнолиниши мумкинми (бу қандай амалга оширилади)?***

***2. Ушбу харажатлар жорий даврдаги фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиқ солинадиган базани камайтирадими?***

# ОЛДИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШДАГИ ХАТО ҚАНДАЙ ТУЗАТИЛАДИ

**1 Ҳа, мумкин.**
2018 йилда хато ҳисобдан чиқарилган харажатлар суммаси 2019 йил 1 январь ҳолатига тақсимланмаган фойда ва активларни камайтирган (2010-«Асосий ишлаб чиқариш»). Бунда хатонинг солиқ солишга таъсири бўлмаган, чунки 2018 йилда ЯСТ тўланган.

Ҳисоботдаги маълумотлар улар тасдиқланганидан кейин **хато аниқланган давр учун** ҳисоботда тузатилади *(Қоидаларнинг 15-банди, 7-илова, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*. Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган хатоларга киритилган тузатиш суммаси ҳисобот давридаги соф **даромад** ёки зарарга қўшилади. Олдинги даврда йўл қўйилган **фундаментал (муҳим)* хатоларни** тўғрилаш суммаси йил бошигача **тақсимланмаган фойда** сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади *(АВ томонидан 27.08.1998 йилдаги 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 3-сон БҲМСнинг 16, 17-бандлари)*. Сизнинг ҳолатда хато муҳим бўлгани сабабли 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти сальдосига кўрсатиладиган хизматлар таннархи ҳисобга олинадиган счёт ёпилгунига қадар қуйидаги проводка орқали тузатиш киритилади:

Дт 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт 8720-«Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)» счёти.

**2 Ҳа, камайтиради.**
Ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан хизматлар кўрсатиш бўйича айрим операциялар қиймати чегириладиган харажат ҳисобланади ва **2019 йил учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиқ солинадиган базани камайтиради** *(эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 141-моддаси 6-қисми, 145-моддаси 1-банди)*.

**Фундаментал (жиддий) хатолар – жорий даврда аниқланган хатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисобланмаслиги мумкин (3-сон БҲМСнинг 5-банди).*

*Замира ЖЎРАЕВА*, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЭЪЛОН ва РЕКЛАМА

## «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

**Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.**

*Жавобларни* ***norma.uz*** *сайтидаги* ***«Жавоб берамиз»*** *эксперт хизмати электрон ахборот киоскасидан топасиз.*
***Саволларни*** *қуйидагича бериш мумкин:*
- ✓ *аввал* ***norma.uz*** *сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни* ***электрон кўринишда*** *жўнатган ҳолда;*
- ✓ ***(71) 200-00-59*** *бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).*



NORMA

## «СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

# 2020 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ



*Январь ойида иш соатлари сони:*
*5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – **176**;*
*6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – **167**;*
*36 соатлик иш ҳафтасида – **150**.*

*Иш кунлари сони:*
*5 кунлик иш ҳафтасида – **22**;*
*6 кунлик иш ҳафтасида – **25**.*

❑ ***Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади** (Солиқ кодексининг 381-моддаси).*

❑ ***2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИҲ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ) жорий этилди. Январь ойида МҲЭКМ 634 880 сўмни ташкил этади** (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди).*

❑ ***2019 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади** (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).*

❑ ***Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади** (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).*

## I. Анъанавий ҳисоб-китоб

***Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм тўланган.***

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган ЖШДС:
1 100 000 х 12% = 132 000 сўмга тенг.
Январь ойи учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 1 100 сўмни (1 100 000 х 0,1%) ташкил қилади.
Январь ойи учун бюджетга 130 900 сўм (132 000 – 1 100) ўтказилади.
ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 968 000 сўм (1 100 000 – 132 000) тўланади.

## II. Имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда

**1-ВАЗИЯТ. Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь ойидаги меҳнат ҳақи 1 800 000 сўмни ташкил қилди.***

❑ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг *(масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар)* жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:
1 800 000 – (634 880 х 1,41) = 904 819,2 сўмга тенг.
Январь ойи учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:
904 819,2 х 12% = 108 578,3 сўм.
ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 904,82 сўмни (904 819,2 х 0,1%) ташкил қилади.
Бюджетга 107 673,48 сўм (108 578,3 – 904,82) ЖШДС ўтказилади.
Ходим қўлига 1 691 421,7 сўм (1 800 000 – 108 578,3) иш ҳақи олади.

**2-ВАЗИЯТ. Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь ойидаги меҳнат ҳақи 800 000 сўмни ташкил қилди.***

❑ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг *(масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар)* жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:
634 880 х 1,41 = 895 180,8 сўмга тенг.
Ходимнинг даромади (800 000 сўм) имтиёз миқдоридан (895 180,8 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь ойи учун солиқ ҳисобланмайди.
Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.
Ходим қўлига 800 000 сўм иш ҳақи олади.

**3-ВАЗИЯТ. Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм ҳақ тўланган. Унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.***

❑ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган қуйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:
(634 880 х 4,22) = 2 679 193,6 сўм.
Солиқ солинадиган даромад 1 520 806,4 сўмга (1 400 000 + 2 800 000 – 2 679 193,6) тенг.
Январь ойи учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:
1 520 806,4 х 12% = 182 496,77 сўм.
ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 1 520,81 сўмни (1 520 806,4 х 0,1%) ташкил этади.
Январь ойи учун бюджетга 180 975,96 сўм (182 496,77 – 1 520,81) ЖШДС ўтказилади.
Ходим 4 017 503,23 сўм (1 400 000 + 2 800 000 – 182 496,77) иш ҳақи олади.

**4-ВАЗИЯТ. Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга 2 000 000 сўмлик маиший техника совға қилинди.***

❑ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 х 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 2 160 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8) тенг.
Январь ойи учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:
2 160 403,2 х 12% = 259 248,38 сўм.
Январь ойи учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 2 160,4 сўмга (2 160 403,2 х 0,1%) тенг.
Бюджетга 257 087,98 сўм (259 248,38 – 2 160,4) ЖШДС ўтказилади.
Ходим қўлига 1 240 751,62 сўм (1 500 000 – 259 248,38) иш ҳақи олади.

**5-ВАЗИЯТ. Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм иш ҳақи тўланган. Унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.***

Қуйидагиларга мувофиқ:

❑ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма (634 880 х 1,41 = 895 180,8 сўм) чиқариб ташланади;

❑ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача (634 880 х 4,22 = 2 679 193,6 сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

❑ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 х 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:
1 500 000 – 895 180,8 + 3 000 000 – 2 679 193,6 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 1 586 028,8 сўм.
Январь ойи учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

16-бетда

## 2020 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

# УСЛУБИЯТИ

15-бетда

1 586 028,8 х 12% = 190 323,46 сўм.
ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 1 586,03 сўмни (1 586 028,8 х 0,1%) ташкил этади.
Бюджетга 188 737,43 сўм (190 323,46 – 1 586,03) солиқ ўтказилади.
Ходим қўлига 4 309 676,54 сўм (1 500 000 + 3 000 000 – 190 323,46) олади.

### III. Одатдан ташқари ҳолатлар

**1-ВАЗИЯТ.** **Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм иш ҳақи тўланган.***

❑ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади *(Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми)*.

Солиқни ҳисоб-китоб қиламиз. ЖШДС:
800 000 х 12% = 96 000 сўмга тенг.
Январь ойи учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 800 сўмга (800 000 х 0,1%) тенг.
Январь ойи учун бюджетга 95 200 сўм (96 000 – 800) ЖШДС ўтказилади.
Солиқ ушланганидан кейин ходим 704 000 сўм (800 000 – 96 000) иш ҳақи олади.

**2-ВАЗИЯТ.** **Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби**

***Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 100 000 сўм ҳақ тўланган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.***

❑ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак *(9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова)*.

❑ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

❑ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда энг кам ижара ҳақи суммаси 600 000 сўмни (12 000 х 50) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган суммадан солиқ ҳисобланади:
1 500 000 х 12% = 180 000 сўм.
Январь ойи учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:
1 100 000 х 12% = 132 000 сўм.
ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 1 100 сўмга (1 100 000 х 0,1%) тенг.
Январь ойи учун бюджетга 130 900 сўм солиқ (132 000 – 1 100) ўтказилади.
Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 288 000 сўм иш ҳақи (1 100 000 + 1 500 000 – 132 000 – 180 000) тўланади.

*Ҳисоб-китоб услубиятини экспертимиз **Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.*

***Ходим ноябрь ойида 5 кун малака оширишда бўлди, ушбу давр учун ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Жамоа шартномасига мувофиқ унга овқатланиш учун компенсация тўланади. Унга малака оширишда бўлган даври учун овқатланиш ҳақи тўланиши тўғрими?***

## МАЛАКА ОШИРАЁТГАНЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАНГАН ТЎЛОВЛАР

– Ходим корхона буйруғига биноан ўқишга юборилган бўлса, малака ошириш иш берувчи манфаатларига доир вазифалар бажарилиши деб талқин қилинади *(МКнинг 166-моддаси)*. **Ходимнинг малака оширишда бўлган кунлар учун, агар корхонанинг локал ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, овқатланиш учун компенсация олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.** Мазкур давр учун ходимга жамоа шартномасида белгиланган тўловлар кафолатланади, лекин тўлов ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим.

## УЙ ЭГАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИ ЁКИ БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯНИНГ АКТИВЛАРИ

***Компания турли объектларни қуриш билан шуғулланади. Қурилиш якунланиб, бинолар (уй-жойлардаги квартиралар ва бизнес марказдаги офис учун хоналар) сотилганидан кейин жиҳозланган умумий фойдаланиш хоналари (лифт, қозонхона, қўриқлаш пункти ва бошқалар) қолган. Бу хоналар ва ускуналарни тегишинча ХУМШ ва бизнес марказнинг бошқарувчи компаниясига берамиз.***
***Бироқ улар бериладиган ускуналарнинг нархини кўрсатишни сўрашяпти. Корхонамиз бухгалтерияси ускуна ва уни монтаж қилиш қийматини бино (уй-жойлар ва бизнес марказ) таннархига ҳисобдан чиқаради, шу сабабли қозонхона, лифт, насос ускуналарининг алоҳида қиймати ҳисоблаб чиқарилмаган. Тегишинча, ХУМШ ва бошқарувчи компания балансига қабул қилиш ва амортизация ҳисоблаш учун бундай ускуналар қандай қиймат бўйича берилишини билмаймиз.***
***Улар қандай қиймат бўйича берилиши лозим?***



**– ХУМШ, шунингдек бошқарувчи компания улар хизмат кўрсатадиган кўп қаватли уйлардаги умумий фойдаланиш хоналарини балансида акс эттирмаслиги ва уларга амортизация ҳисобламаслиги керак.**

Улар ушбу мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича қабул қилиши ва миқдорини балансдан ташқари счётларда ҳисобга олиши мумкин. Қабул қилиш-топшириш далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

● ҳолати тавсифи ва режаси келтирилган ҳолда бериладиган объект майдони;

● техник жиҳатлари тавсифланган ҳолда ускуналар сони ва тури;

● бериладиган кўчмас мулк ва ускуналарга кейинчалик хизмат кўрсатиш учун зарур бошқа маълумотлар.

**ХУМШ ёки бошқарувчи компанияга эмас, балки кўп квартирали уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкдаги улуш ҳуқуқига эгадир.**

*Умумий мол-мулк* шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олади *(УЖКнинг 124-моддаси)*.

***Замира ЖЎРАЕВА,** «Norma» МЧЖ эксперти.*

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ ©
Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета
ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ
Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ

Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС Таҳририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-115. Адади 730. Газета 2020 йил 27 январь соат 15.00 да топширилди.